КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ● № 8 (7998). ● 12 январь, 1983 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

КЎКЛАМГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК!

СССР ТАШКИЛ этилганлигининг 60 йиллик юбилейи шарафига ўтган йили ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб меҳнат қилган областимиз қишлоқ хўжалиги азаматлари 1982 йилдаги мураккаб об-ҳаво шароитларида ҳам ажойиб ютуқларга эришиб, халқни, партияни, Ватанни ҳушнуд этдилар. Пахта, сабзавот ва бошқа деҳқончилик экинларидан юқори ҳосил олишга эришдилар. Чорвачилкни юксалтиришда салмоқли ишларни амалга оширдилар. Бу ютуқлар, эришилган натижалар партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди, юксак баҳоланди.

Қишлоқ хўжалигимиз ходимлари янги 1983 йилни катта умид билан, эзгу мақсадларни дилга жо қилган ҳолда бошлаб юбордилар. Улар узларининг бутун куч-ғайратларини, тажриба, маҳоратларини КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети май, ноябрь (1982 йил) Пленумлари тарихий қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, СССР Озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшишга қаратмоқдалар.

Дарҳақиқат, ҳозир зиммага олинган юксак план ва социалистик мажбуриятларни бажариш, мўл ҳосилга замин яратишнинг масъулиятли дамлари етиб келди.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Кўкламги экишга тайёргарликни кучайтириш тадбирлари тўғрисида» қарори эълон қилинди. Бу қарор далаларимиз, боғ-роғларимиз заҳматкашларини, чорва жонкуярларини ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш, коммунистик мўл-кўлчилкни вужудга келтириш учун қишки тадбирлар, кўкламги тайёргарлик ишларини тезлаштиришга, бу соҳада сифат ва самарадорликка алоҳида эътибор беришга руҳлантирди.

Ҳар бир район, колхоз ва совхозда дала ишларини ана шу қарорда белгилаб берилган вазифалар, кўрсатилган йўл-йўриқлар асосида ташкил этиш учун коллективларда юксак уюшқоқлик, ишга масъулият, белгиланган тадбирлер комплексини ўз вақтида сифатли бажариш учун кураш вазнятини вужудга келтириш — ютуқлар гарови бўлади.

Бунга эришмоқ учун бизда барча имконият бор. Партия ва ҳукуматимизнинг беқиёс ёрдами туфайли колхозлар ва совхозларнинг экономикаси йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Уларга кўплаб минерал ўғитлар, замонавий техника етказиб берилаётир. Ажойиб кадрлар етишиб чиқди. Вазифа — имкониятларни, мавжуд резервларни ишга тўла самарбар этиб, белгиланган тадбирларнинг тўла-тўкис бажарилишини таъминлашдан иборат.

Бу жиҳатдан бекободликлардан ўрнак олса арзийди. Мана, икки ўн кунликдан буён бу район меҳнаткашлари 1983 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини амалга оширишда ажойиб натижаларга эришиб, область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритишга муваффақ бўлмоқдалар. Чунки, бу районда даладаги тадбирлар қатъий график асосида ташкил этилиб, ишнинг сифати ва салмоғи устидан назорат кучайтирилган. Шу боис трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш, чорва қишловини ташкил этишда яхши натижаларга эришилмоқда. Бу жиҳатдан райондаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби бўлган Ленин номли колхоз ва «Далварзин» совхозида амалга оширилаётган ишлар ибратлидир.

Бўстонлиқ райони боғбонлари, соҳибкорлари ва чорвадорлари ҳам ўтган ўн кунликда кузги-қишки тадбирларни амалга оширишда ғолиблар сафидан ўрин олишга эришдилар. Ўрта Чирчиқ, Паркент, Бекобод районларида «Сельхозтехника» ходимлари ҳам кузги-қишки тадбирлар комплексини бажаришда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Лекин қарорда таъкидлаб ўтилганидек, ҳали айрим районларда кўкламги экишга тайёргарлик кўришда анча орқада қолинмоқда. Жумладан, Чиноз, Тошкент, Оҳангарон районларида ўтган ўн кунликда кузги-қишки ишлар бирмунча сust ташкил этилди. Мазкур районлардаги айрим хўжаликларда ариқ-зовурларни тозалаш, уруғликни ташиб келтириш, машина-механизмларни ремонт қилиш ишларини тезлаштириш лозим.

Айримлар ўйлаганидек, қиш—бекорчилик эмас. Шунинг учун ҳам кўкламги экишга тайёргарлик кўришда сусткашлик, хотиржамлик, ўзи бўларчилик, лоқайдлик кайфиятларига барҳам бериш керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мазкур қарори асосида ҳар бир район, колхоз, совхозда, далалар, боғ-роғлар, фермаларда ишни ташкил этишни янада жадаллаштиришга қаратилган қўшимча тадбирларни ишлаб чиқиш ва бу тадбирларнинг ўз вақтида тўла-тўкис амалга оширилиши устидан назоратни кучайтириш айниқса муҳимдир.

1 мартга қадар уруғлик ва кўчатлар тахт қилиб қўйилиши, колхоз ва совхозлар юқори сифатли уруғлик чигит, бошоқли дон, маккажўхори, шоли, сабзавот, полиз экинлари ва картошка уруғлиги билан тўла таъминланишлари шарт. Шу билан бирга уруғликни тежаш чоралари кўрилиши, уни сарфлашда хўжасизлик фактларига чек қўйилиши зарур.

Ариқ ва зовурлар сув равон оқадиган қилиб тозалаб қўйилсин. Бу соҳадаги ишлар суръатини кескин ошириш учун зарур миқдордаги машина-механизмлар ва кишилар сафарбар этилмоғи даркор.

Маълумки, дала ишларининг сифати, салмоғи техниканинг қай даражада тайёрлаб қўйилганлигига боғлиқдир. Буни ҳисобга олиб, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш ва созлаш суръатини кучайтириш талаб этилади. «Узгоскомсельхозтехника» ва унинг жойлардаги бирлашмалари колхоз ва совхозларга амалий ёрдам беришлари даркор. Ремонт корхоналари ва устахоналарида ишни икки сменада ташкил этиш, ремонт учун етарли механизаторлар, ишчилар ажратиш талаб этилади.

Барча хўжаликларда шунга эришиш керакки, кўкламги дала ишлари учун керак бўладиган трактор ва бошқа механизмлар 1 февралгача тахт қилиб қўйилсин, ремонт сифатига алоҳида эътибор берилсин!

Ишнинг муваффақияти одамларга, уларнинг кайфиятига боғлиқ. Пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги бригадалар ҳамда звеноларнинг ишларида бригада пудрати, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг нарядсиз ситемасини кенг жорий этилишини таъминлаш — меҳнат унумдорлигини оширишнинг ишончли воситасидир.

Ҳар бир хўжаликда тажрибакорлар, мутахассислар иштирокида кўкламги дала ишларини ўтказишнинг мазкур хўжаликнинг шароитига мос келадиган графиклари ишлаб чиқилиши, барча ишлар қисқа муддатларда юксак агротехника асосида ўтказилиши лозим.

Агрохимия хизмати савиясини ошириш, давлат томонидан ажратилган минерал ўғитларни ўз вақтида ташиб келтириш, уларнинг сифатли сақланишига эришишда хўжалик раҳбарлари, мутахассисларнинг масъулиятини ошириш, кадрларнинг қишки ўқувини намунали йўлга қўйиш керак.

Бу йилги зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришга барча қишлоқ коммунистлари, меҳнаткашларини сафарбар этиш учун жойларда оммавий-снёсий ташкилотчилик ишлари савиясини кучайтириш, ўзаро социалистик мусобақани кун сайин авж олдириш лозим.

Қишнинг ҳар бир куни 1983 йил ҳосили учун ҳизмат қилсин. Кўкламги экиш мавсумини ҳар жиҳатдан шайланиб кутиб олайлик!

● Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози деҳқонлари кўкламги дала ишларига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Машина-трактор паркида техника ремонти қизғин бораяпти. Ишнинг сифати колхоз халқ контроли назоратидан утаётир.

Суратда: халқ контроли комитетининг раиси Илья Рем (ўртада) механизатор Борис Ким (чапда) ва Клим Паклар билан ремонтдан чиққан техникаларни қайта назоратдан ўтказяптилар.

В. Портнов фотоси.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

СИФАТЛИ УТМОҚДА

● ПИСКЕНТ районидаги «Партия XXVI съезди» совхози меҳнаткашлари айни кунларда кузги-қишки тадбирларни авж олдириб юборишган. Ариқ-зовурларни тозалаш, далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ва техника ремонти яхши йўлга қўйилган.

Совхоз ишчилари кузги шудгорни сифатли ўтказишди. Бу ишларни хўжаликнинг 5- ва 6-бўлими меҳнаткашлари биринчилар қатори тугатишди. Кунига 9—10 гектар ер ҳайдаган Собир Исломов, Раҳим, Ҳамидов, Абдували Назиров, Азим Раимов ва Маҳмуд Эргашев каби механизаторлар айни кунларда техника ремонтини авж олдириб юборганлар.

Машина-трактор паркида ремонтчилар учун барча шароитлар яратиб берилган. Дам олиш хоналарида радио, телевизор, шахмат, шашкалар мавжуд. Ишчилар ҳар куни иссиқ овқат билан таъминланишмоқда.

Х. МИРСОЛИЕВА.

ЯНГИ ҲОСИЛГА ЗАМИН

● Калинин районидаги «Москва» совхозининг ишчилари ҳам 1983 йил ҳосили учун пухта замин ҳозирламоқдалар. Улар шу кунларда кузги-қишки тадбирларни сифатли ўтказиш билан бирга теплицаларда сара кўчатлар етиштиришаяпти. Шу кунгача К. Эгамберднев бошлиқ теплица хўжалигида 2 гектар ердаги теплица қайта жиҳозланиб, янги полиэтилен плёнкалари билан ёпилди. Бу ерда ҳозир сара эртаки карам кўчатлари ундириб олиняпти. Шунингдек, помидор кўчати етиштириш учун ҳам жой ҳозирлаб қўйилди. М. Низомова, М. Мирзааҳмедов, Ғ. Йўлдошев, Г. Кутлаевалар бу ишларда алоҳида жонбозлик кўрсатишяпти.

И. ҚОСИМОВ.

* * *

● Шунингдек, редакциямизга Оржоникидзе районидан А. Абдишукуров, Янгийўл районидан Х. Мирзаев, Оққўрғон районидан Н. Тўфонов, Бўка районидан А. Шотемиров ва Л. Абдураҳмоновалар ҳам кўкламга ҳозирлик қўраётган хўжаликлар ҳақида хат-хабарлар йўллашган.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ БУГИНИ

«САБЗАВОТ КОНВЕЙЕРИ»НИНГ АСОСЛАРИ

Республика колхоз ва совхозларида «Сабзавот конвейери» ўтган йилларидагидан анча илгари ишлай бошлайди. Бунинг учун ҳозирнинг ўзидаёқ замин тайёрланди: сабзавоткорлар эртаги карам уруғини парникларга сепишди. Бу баҳорги полиз экинлари учун кўчат етиштиришга мўлжалланган. Орадан бир ярим-икки ой ўтгач, етиштирилган кўчатларни парниклардан далаларга олиб ўтказиш мумкин бўлади.

Хўжаликларда кўчатларни совуқ урмаслиги учун олдиндан пленкалар тайёрлаб қўйилди. Кўчатлар кунлар исигунча ана шу пленкалар остида ўстирилади. Деҳқонлар бу йил мавсумда эртаки карам кўчатини етиштирадилар. Бунда улар аҳолининг ана шу «витаминли маҳсулот»га бўлган талабини тўлароқ кондириш учун карамзорларни кенгайтиришни назарда тутадилар.

Ўзбекистоннинг кўпгина хўжаликларида кўчат етиштиришнинг илғор технологияси жорий этилган. Илгари кўчат траншеяларда етиштирилган бўлса, ҳозир кенг ва ёруғ теплицаларда парвариш қилинмоқда. Бу эса сабзавоткорлар меҳнатини анча енгиллаштирди, кўчат етиштириш нархини арзонлаштирди, энг муҳими унинг сифатини анча яхшилаш имконини берди.

Парниклларда уруғ сепиш ишлари давом этмоқда. Деҳқонлар кечроқ пишиб етиладиган карам уруғини экишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Энди помидор ва бошқа бир қанча экинлар уруғини сепиш мўлжалланмоқда. Кўпчилик колхоз ва совхозларда сабзавот экинлари навларини танлашда уларнинг пишиб-етилиши муддатларига катта эътибор бермоқдалар. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТДАГИ «КОМПРЕССОР» ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1983 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Завод коллективи КПСС XXVI съезди қарорларига амал қилиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, товар маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлиги ва юбилей йили социалистик мажбурияти юзасидан ўн биринчи беш йиллик икки йили топшириғини муваффақиятли бажарди, мамлакат халқ хўжалигининг барча тармоқларига ва экспорт учун компрессорлар етиштириб беришни муддатидан илгари амалга оширди.

Завод ишчилар, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитети 1982 йил Ноябрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўрток Ю. В. Андропов нутқида ўртага қўйилган катта вазифаларни баланд руҳ билан кутиб олдилар. Улар ўз куч-ғайратларини бутун хўжалик фаолиятини янада яхшилашга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, меҳнат, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратиб, 1983 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қиладилар.

Ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан йиллик план муддатидан илгари 26 декабрда бажарилади ва йиллик планга қўшимча равишда 400 минг сўмлик маҳсулот, жумладан 70 минг сўмлик харидоргир халқ истеъмол моллари реализация қилинади ,пландан ташқари 15 та компрессор ишлаб чиқарилади, халқ хўжалигига 1,8 миллион сўмлик иқтисодий самара берадиган ПР-6/8М кўчма компрессор станциясини кўплаб ишлаб чиқариш ва халқ истеъмол молларидан уч хил буюмни кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Меҳнатни ташкил этиш даражасини оширишга ва иш вақтидан янада тўлароқ фойдаланишга эришилади, меҳнат унумдорлигини ўстириш плани 45 процент ошириб бажарилади, шунинг ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсиши таъминланади.

Сифатни бошқариш комплекс системасини янада такомиллаштириш таъминланади ва Давлат сифат белгисини олган барча буюмлар салмоғи ишлаб чиқариладиган маҳсулот умумий ҳажмининг 75 процентига етказилади, маҳсулот таннархи арзонлаштирилади. Унумсиз ҳаражатлар қисқартирилади ва шунинг эвазига пландан ташқари 200 минг сўмлик фойда олинади. Асбоб-ускуналарни сменали ишлатиш коэффициенти оширилади, уларнинг бекор туриб қолиши қисқартирилади ва шунинг асосида фонд самарадорлиги 1982 йилдагига қараганда 3 процент оширилади. Топшириқда белгиланганидан ташқари 25 минг киловатт-соат электр энергия, 100 тонна шартли ёқилғи, 7 минг гигакалория иссиқлик энергияси, 30 тонна металл прокат иқтисод қилинади.

Илғор технологияни, механизация ва автоматлаштириш воситаларини янада кенгроқ жорий этиш, меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш даражасини ошириш асосида 95 ишчининг меҳнати тежалади, қўл меҳнати билан банд бўлган ишчилар бир процент камаяди. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формаси янада кенгроқ жорий этилади ҳамда ишчиларнинг камида 52 процеити бунга жалб этилади. Кадрлар қўнимсизлигини янада камайтиришга эришилади. иш вақтининг унумсиз бекор кетиши 25 процент қисқартирилади.

30 нафар янги ишчи тайёрланади, 180 ишчининг малакаси оширилади, 65 нафар ишчи турдош касбларга ўргатилади, завод ходимларидан 190 киши иқтисодий таълим системасида ўқитилади.

Оталиқдаги совхозга машина-механизмларни қишлоқ хўжалик ишларига ўз вақтида тайёрлашда ва меҳнат қуроллари билан таъминлашда ёрдам берилади.

«Компрессор» заводининг меҳнаткашлари «Ҳар бир ишчининг юқори сифатли ишлашидан — коллектив меҳнатининг юксак самарадорлигига эришайлик» шиори остида мусобақани авж олдириб, ўн биринчи беш йиллик учинчи йили планини муваффақиятли бажариш учун бутун кучни сарфлайдилар.

Социалистик мажбуриятлар завод коллективларининг «йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинди.

МУСОБАҚАДА ТУҒИЛГАН

МЕҲНАТНИ ТЕЖАБ

Тошкент трактор заводи ўтган йили янги техникани жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш бўйича белгиланган барча тадбирларни муваффақиятли бажарди. Ҳозир деярли барча цехда яп-янги, завод бўёғи йилтираб турган автомат ва ярим автоматларни, махсус ва агрегат рақамли программ бошқарув станокларини кўпдан-кўп, хилма-хил мосламаларни кўриш мумкин. Ҳозир 24 тонна деталь илгаригидек қуймадан эмас, балки металл кукунидан, 89 тонна деталь эса пластмассадан тайёрланди.

— Ўтган йил, — дейди завод директори И. Мусин, — прогрессив янгиликларга жуда «серҳосил» келди. Рангли металларни аргон муҳитида пайвандлаш, асбоб учун ишлатиладиган пўлатни электр-шлак эритиш, деталларни чиқиндисиз қолиплаш муваффақиятли ўзлаштирилди. Ҳар бир янгилик салмоқли иқтисодий самара бермоқда. Фақатгина электр-шлак қайта қўйиш установкасининг ўзи бизга йилига 35 тонна легирланган пўлатни тежаш имконини бермоқда.

Роботлар ишлаётган участка кишида катта таассурот қолдиради. Ҳозирча бу ер ончалик катта эмас, бироқ унда кўпдан-кўп жараёнлар бажарилади. Пўлат қутиларга тайёр деталлар бирин-кетин тушиб турибди, ишлаётган одамлар эса деярли кўринмайди. Агар илгарилари бир киши бир-икки, нари борса уч станокка хизмат қиларди. Энди — бутун бошли агрегатлар комплексига хизмат кўрсатмоқда. Меҳнат унумдорлиги бир неча марта кўтарилди, буюмларнинг сифати ошди.

— Заводимизда биринчи робот бир ярим йил муқаддам пайдо бўлди, — дейди участка бошлиғи Ю. Иванов, — бугун бўлса, улар ўн биттага етди. Уларнинг ҳаммаси деталларни қўйиш ва механик ишлов беришнинг халқали автоматлаштирилган линиялари таркибига киради.

Роботларни айниқса, ишлаб чиқариш майдони тор бўлган шароитларда жорий этиш осон эмас. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этишимизда «технолог» Тошкент илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Москвадаги трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги илмий-тадқиқот институти ходимлари ёрдам беришди. Янги техникани жорий этиш ҳисобига бирлашмада меҳнат унумдорлиги сезиларли кўтарилди.

Бирлашма коллективига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети оғир саноат ва машинасозлик бўлимининг мудири Р. Қодиров шарҳлайди:

— «Тошкент трактор заводи» бирлашмаси техника тараққиётини жадаллаштириш борасидаги ишда намуна кўрсатмоқда. Бошқа корхоналарда ҳам ўзгаришлар йўқ эмас. Айтайлик, «Средазкабель» бирлашмасида олимлар ёрдами билан кабель тайёрлаш технологияси тубдан такомиллаштирилди. В. П. Чкалов номли Тошкент авиация бирлашмаси бўлинмаларида механизациялаш даражаси ошмоқда. Бу ерда маҳсулот ўсишининг деярли ҳаммасига фақат меҳнат унумдорлигини ошириш орқали эришилмоқда. «Ташхимсельмаш» заводида деталларни механик ишлашнинг поток-механизациялашган линияси жорий этилди. Бу 29 кишини бошқа ишга ўтказиш имконини берди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида беш йилликнинг биринчи йилидаёқ самарадорлик ва иш сифатини ошириш комиссияси ташкил этилган эди. Унга таниқли олимлар, йирик мутахассислар ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари киритилган эди. Комиссия меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашда актив ёрдам бермоқда. Фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масаласи яқинда республика Компартияси Марказий Комитетининг пленумида муҳокама қилинди. Бир сўз билан айтганда салмоқли ишлар амалга оширилди. Айни пайтда таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, бир қатор республика Министрликлари, шу жумладан енгил, озиқ-овқат, пахта тозалаш министрликлари ўтган йили техника тараққиёт соҳасида ўзлари учун шундай марралар белгиладиларки уларни амалга ошириш ортиқча куч-ғайрат сарфлашни талаб қилмади ва бирор бир даражада сезиларли иқтисодий наф келтирмади. Бир қатор ҳолларда меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилиши лозим бўлган янги механизациялашган ҳамда автоматлаштирилган линиялар сust ўзлаштирилмоқда.

Кам деганда айрим хўжалик ходимларининг кўйилган вазифаларни бажаришга масъулиятсизларча муносабатда бўлаётганлигидан шаҳодат бўлувчи жиддий нуқсонлар, кўпол хатолар ҳам оз эмас. Айтайлик, Андижондаги «Ирмаш» заводи Ставрополь ўлкасидаги Зеленокумскдаги «Строймашавтоматизация» заводига галваник линиядан учтасини тайёрлаб беришни буюриб, уларни комплектлашнинг аҳволини текшириб кўришни ҳаёлига ҳам келтирмади. Натижада линияларнинг иккитасини ҳалигача монтажлаш имкони бўлмади. Афсуски, бу якка-ёлғиз факт эмас. Шу сингари масалаларни қараб чиқиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, министрликлар идораларга мавжуд камчиликларни бартараф этишни ишлаб чиқаришни такомиллаштириш проблемаларини комплекс ҳал қилишни таклиф этди.

Шундай кунларда коллективларда янги йил мажбуриятларини аниқлаб чиқилмоқда. Уларнинг кўпчилигида «Озиқ-овқат программасига — ишончли ва самарали техника!» шиори остида бир қатор корхоналарда авж олиб кетган социалистик мусобақа қўллаб-қувватланмоқда. Юқорида гап юритилган «Тошкент трактор заводи» бирлашмасида эса беш йиллик охиригача тракторларнинг моторесурсини олти минг соатдан тўққиз минг соатга кўтаришга қарор қилишди. Бошқа коллективлар ҳам аниқ тадбирлар белгилаб чиқишди.

Н. ГЛАДКОВ,
(«Правда» мухбири).
Тошкент шаҳри.
(«ПРАВДА», 11 январь).

СЎНГГИ СООТДАН

✦ РАБОТ. Ўтган йили Марокашда энг зарур моллар кўпчилигининг нархи тобора ошди. Шаҳар ва қишлоқларда меҳнаткашлар оммаси сотиб ололмаётган молларнинг тури кундан-кунга кўпайди.

«Ал Баён» газетасининг хабар беришича, халқнинг ҳаётий манфаатлари ва ҳуқуқлари учун қаттиқ курашаётган тараққиёт ва социализм партияси ҳукуматга мурожаат қилиб, нархларни барқарор қилиш, чайқовчиликни тугатиш ва мамлакатда кучайиб бораётган социал иқтисодий танглик шариотида Марокаш ҳалосининг харид қилиш қобилиятини сақлаб қолиш учун ҳукуматни дархол бунга аралашишга яна даъват этди. Тараққиёт ва социализм партиясининг бош секретари вакиллар палатаси (парламент)нинг депутати Али Ята шу мақсадда ҳукуматни нархларни ўзгартирмасликка ва қимматчиликни ҳисобга олиб меҳнаткашларнинг иш ҳақини қайта кўриб чиқишга чақирувчи резолюция лойиҳасини овозга қўйиш учун тақдим этди.

✦ КОБУЛ. Афғонистон пойтахтида янги поликлиника очилди. Замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган бу поликлиника айни бир вақтда 500 беморни қабул қилишга мўлжалланган.

✦ ХАРТУМ. Суданда ёнилғининг ҳамма турлари нархи анча оширилганлиги эълон қилинди. Бензин, керосин, қора мой нархи 75 процент ошди. Шундай қилиб, салкам икки йил ичида нефть маҳсулотлари нархи қарийб уч баравар қимматлашди.

✦ АНҚАРА. Туркияда турмуш кечиришнинг тобора оғирлашаётганлиги ҳатто тўйларга ҳам салбий таъсир қилди. Мамлакатнинг энг катта шаҳарларидан бири Самсун муниципалитети берган маълумотларига кўра, кейинги вақтларда никоҳ 75 процент камайган. Аҳолиси қарийб 200 минг кишидан иборат шу Самсун шаҳрида ўтган йили атиги 192 та никоҳ қайд этилган. ЗАГС идоралари иш йўқлигидан энди ҳафтада икки кун ишлайди.

Матбуотнинг хабарларига кўра, кенг истеъмол моллари нархи тахминан 25 процент ошган. Энг оддий ҳисоб-китобларга қараганда, келин ва куёвнинг никоҳ кийимлари учун камида ўртача даромадли ишчининг ярим йиллик иш ҳақи талаб қилинади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НОЯБРЬ (1982 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

МОСКВАЛИКЛАР ТАШАББУСИ ОБЛАСТИМИЗДА КЕНГ ОММАЛАШМОҚДА

КАМЧИЛИКЛАРГА НИСБАТАН ЖАНГОВАР РУҲДАГИ МУРОСАСИЗЛИК, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМДА ТУРМУШДА ИНТИЗОМ ВА ТАРТИБНИ ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА ҲАР БИР КОММУНИСТИ, ҲАР БИР МЕҲНАТКАШИНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ФАЗИЛАТЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ ҚОЛИШИ ЛОЗИМ.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қароридан).

ЯХШИ ИШЛАГАН—ШУҲРАТ ТОПАДИ

СОЦИАЛИСТИК Чирчиқ йилдан-йилга кенгайиб ва кўркам бўлиб бормоқда. Унинг бағрида янги-янги замонавий саноат корхоналари, турар-жой массивлари, муҳташам маданий-маиший муассасалар бинолари қад кўтармоқда. Шаҳарни улкан қурилиш майдонига ўхшатишлари ҳам шундан бўлса керак. Кўкка бўй чўзган сонсаноқсиз кўтарма кранлар ҳам бу ерда бунёдкорлик ишлари қўлами нақадар кенглигидан далолат бериб турибди.

Шундай яратувчилик ишларини амалга оширишнинг асосий оғирлиги 160-қурилиш трести коллективи зиммасига юклатилган. Деярли барча асосий объектлар қурилишида унинг салмоқли ҳиссаси бор. Кўпмиллатли, бир оила аъзоларидек аҳил ва иноқ коллектив олдига қўйилган барча топшириқларни вақтида сифатли қилиб уддалаш учун ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда. Барча резерв ва имкониятлардан, иш вақти, мавжуд бинокорлик машина-механизмларидан оқилона фойдаланмоқда.

Қурилиш трестининг барча бўлимларида ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш, прогулчилар, тартиб-интизомни бузувчиларга нисбатан таъсир кўрсатишнинг турли моддий-маънавий усулларидан самарали фойдаланиш ҳам коллектив фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бунда, айниқса, илғор иш усулларини қўлланиш, пешқадам коллективлар, бинокорлар тажрибасини, ватанпарварлик ташаббусларини кенг ёйиш яхши натижа бермоқдаки, буни трестда алоҳида таъкидламоқдалар.

Шу туфайли ҳам бинокорларнинг қўнимсизлиги йилдан-йилга камаймоқда. Айниқса, бригада пудратини қўлланаётган коллективларда бу яққол кўринади. Ҳозирги вақтда трест бўйича бригадаларнинг аксарият кўпчилиги хўжалик ҳисоби асосида ишламоқда. Уларда меҳнат интизоми жуда яхши йўлга қўйилган. Шу туфайли ҳам интизомни бузиш ҳоллари деярли барҳам топган. Пудратни қўлланишнинг ўзи ҳар бир қурувчининг меҳнат интизомига қатъий амал этишини тақозо этади.

БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБЛАРИ

Трест ва унинг бўлинмаларида социалистик мусобақанинг турли-туман таъсирчан формалари жорий қилинган. Унинг натижалари ҳар ой, ҳафта, кунда якунланиб турилади. Голиблар ҳар томонлама рағбатлантирилади. Бинокорларга илғорларнинг иш тажрибасини ўргатиш мақсадида курслар ташкил этилган. Коммунистик меҳнат мактабларидан ҳам шу йўлда фойдаланиляпти. Уларда бевосита бинокорлар, бригадирларнинг ўзлари машғулот ўтказиб, иш усулларини ўртоқлашмоқдалар. Биргина ўтган йили ўндан ортиқ шундай курслар ишлади.

Бу ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларнинг амалга оширилиши трест коллективининг ўтган юбилей йилидаги меҳнати баракали бўлишига олиб келди. Бунёдкорлар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада фаол қатнашдилар. Бу улуғ санани муносиб нишонлаш учун зиммаларига юксак мажбуриятлар олишди ва бутун йил давомида шу меҳнат маррасини муваффақиятли эгаллаш йўлида жонбозлик кўрсатдилар. Янги-янги резервларни ишга солдилар. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, бутун маҳорати ва тажрибасини сарфлаб ишладилар. Барча қурилиш майдонларида меҳнат пухта ташкил этилди; моддий-техника таъминоти яхши йўлга қўйилди.

Натижада салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили плани, социалистик мажбуриятлар асосий кўрсаткичлар бўйича тўла зиёдаси билан адо этилди. Муҳим кўрсаткич — товар қурилиш маҳсулоти ҳажми юзасидан қувончли ютуққа эришилди. Йиллик планда қўлдан чиқарилиши лозим бўлган 16 миллион сўмлик иш ҳажми муддатидан бир ой илгари бажарилди. Йил охиригача қўшимча икки миллион сўмлик атрофида товар қурилиш маҳсулоти буюртмачиларга топширилди. Пудрат ишлари умумий ҳажми соҳасида ҳам план муваффақиятли ўринлатилди. Йиллик топшириқдагига қўшимча салкам икки юз минг сўмлик пудрат ишлари амалга оширилди.

Ўз кучлари билан қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш меҳнат унумдорлигини юксалтириш, қурилиш таннархини камайтириш, жамгарма олиш ва бошқа кўрсаткичлар бўйича топшириқлар ҳам ортиғи билан бажарилди.

Трест коллективи ўтган йил давомида «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа қатор саноат корхоналарида янги ишлаб чиқариш қувватларини бунёд этди, ўнларча минг квадрат метр турар-жойлар калитларини чирчиқликларга берди, янги мактаб биноси ва бошқа қатор объектларни қурди.

Бунёдкорларнинг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига берган мусобақада эришган меҳнат зафарлари муносиб тақдирланди. Улар Бутуниттифоқ мусобақаси ғолиби деб топилдилар. Коллективга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди ҳамда трест номи Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидаги Ҳурмат тахтасига ёзиладиган бўлди.

Бундай юксак мукофот трест бинокорлари қалбига олам-олам қувонч бахш этди. Улар бунга жавобан ўн биринчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида янада юксак марраларни эгаллашга астойдил бел боғладилар. Шу кунларда барча қурилиш объектларида бўлсангиз завқ-шавққа тўла қизғин яратувчилик меҳнатининг устидан чиқасиз. Бинокорлар москваликларнинг «Шараф ва шуҳрат ҳам меҳнатга яраша!» шиори остида бошлаган ташаббусларини бажонидил қўллаб-қувватлаб, барча жабҳада интизомни мустаҳкамлаш, тежамкорликни кучайтиришга қаратилган тадбирларни белгиламоқдалар.

М. МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Резервлар ишга солинмоқда

● Тошкент қурилиш материаллари комбинатининг коллективи СССР 60 йиллиги юбилейи йилини катта муваффақиятлар билан якунлади. Комбинат ишчи ва хизматчилари бу йил ютуқларни янада мустаҳкамлаш, ўтган йилдагидан ҳам юқорироқ кўрсаткичларга эришиш учун барча резервларни ишга солмоқда. Суратларда: пардоз плиталари цехининг катта мастери С. Азизов ва илғор ишчи Е. Глухова (чапда юқоридан), кенг истеъмол буюмлари цехининг гипс моделчиси, ветеран ишчи И. Матвеев. Сортировкачи З. Гайфулина ва лаборант Г. Конгнова (ўнгда).

А. Ванштейн фотолари. (ЎзТАГ).

А З И З А

РАЙОН партия комитети биноси рўпарасидаги ҳурмат тахтасига қўйилган истараси иссиқ, мулойим боқиб турган қизнинг расми эътиборимизни тортди.

— Бу бизнинг цехимизда меҳнат қиладиган чевар қиз Азиза Умарова бўлади, — деб таништирди ёнимда турган Оққўрғон тикув-галантерея фабрикасининг 2-цех бошлиғи Санобар Соиова.

Тикув цехи. Хонада тикув машиналари гувуллайди. Азиза Умарованинг эпчил ҳаракатлари беихтиёр эътиборимизни жалб этди.

— Сиз неча йилдан бери шу ерда ишлайсиз? — сўраймиз ундан.

— Мен 1974 йилда фабрикага ишга келгандим. Устозим Надежда Ким очиқ чеҳра билан кутиб олиб, менга тикувчилик сирларини ўргата бошлади, — дея сўз бошлади Азиза Умарова. — Ростини айтсам, авваллари қийналдим. Лекин устозимнинг меҳрибонлиги туфайли тикувчилик касбига бўлган ихлосим кун сайин орта борди...

Азиза ўрта мактабни тугатгач, тўғри фабрикага ишга келди. Дугоналари Қундузой Исломова ва Собира Алиқулова ҳам у билан бирга ишга келишди. Ҳозир уччала дугона ҳам фабриканинг илғори. Ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик планларини бажаришга муваффақ бўлдилар. Ҳозирги кунда уларнинг ташаббусига қўшилган издошлари корхонада кўплаб топилади.

Азиза Умарова бошлиқ бригада коллективи, ҳар бир дақиқанинг қадрига етишиб, масъулиятни аниқ ҳис этган ҳолда астойдил меҳнат қилишаяпти. Иш конвейер усулида олиб борилганлиги учун ҳар бир жараённи бажараётган тикувчининг ҳаракати бошқаларга ҳам боғлиқ эканлигини улар яхши билишади. Шунинг учун

80-ИЙЛЛАР КОММУНИСТЛАРИ

аҳиллик билан ҳаракат қилишмоқдалар. Бригада аъзолари ойлик пландаги 45 минг сўмлик ўрнига 50 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашаяпти.

Бригада чеварларининг сардори икки операцияни бажараётганлиги учун кунлик планини 200 процентга етказиб адо этмоқда. Азиза Умарова бошлиқ бригада аъзолари 1-бригада чеварлари билан бир неча йилдан бери мусобақалашиб келишмоқда. Бу беллашувларнинг аксариятида Азизанинг дугоналари ғолиб чиқишмоқда.

Эндиликда Азиза Умарова бригадага етакчилик қилибгина қолмай, балки кўплаб ёшларнинг меҳрибон мураббийси ҳамдир.

— Мен Азиза опамнинг шогирдиман, — дейди Ф. Ботирова, — Меҳнатдаги муваффақиятимиз ҳаммамизнинг ютуғимиз, ҳар биримиз йўл қўйган хато эса, ҳар биримиз учун камчиликдир. Шу боисдан биз шогирдлар Азиза опамнинг ўринбосарлари бўлиб етишаётганлигимиздан фахрланамиз.

Азиза Умарова доимо эзгуликка интилиб яшайди. Унинг ҳаёт йўли унутилмас саҳифаларга бой. Фабрика коммунистлари унга катта ишонч билдиришиб 1978 йилда ўз сафларига қабул қилишди. Шунингдек, у фабрика партия ташкилоти бюроси ва халқ контроли группаси аъзоси, фабрика хотин-қизлар Советининг раиси сифатида ҳам корхонада катта ташкилотчилик ишларини олиб боряпти.

Азиза Умарова ўн биринчи беш йилликда икки ярим беш йиллик планини бажаришга ташаббуси билан чиққан эди. У конвейер усулида бошқараётган машинада бир вақтнинг ўзида 2,5 операцияни бошқаришга эришиб, юбилей йилида олган улкан мажбуриятини муддатидан анча барвақт бажарди. Аҳдига вафодор коллектив янги йилда янада улкан меҳнат уфқларини кўзлаяпти.

П. ЭРГАШЕВ.

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК!

«СИЛИКАТ» ПЕЧКАЛАРИ

● ТОШКЕНТ «Силикат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бинокорлик материаллари экспериментал заводида ўтказилган галати халқа печдан дастлабки ғишт пишириб олинди. Печнинг деворлари ер остида, тепа қисми эса ўтга чидамли плиталар билан ёпилган. Печь ичига хом ғишт териш учун кострюлка сингари унинг қопқоғи очилади. Гумбаз плиталари балка кран ёрдамида кўтарилади. Шундан сўнг печга хом ғишт пакетлари тушириладиган. Ғишт пиширилганидан сўнг тайёр ғишт шу тахлитда чиқариб олинади. Икки ишчининг шу ишларни бажариши учун икки соатдан камроқ вақт керак бўлади.

Анъанавий печларда эса 6—8 кишидан иборат бригада печга хом ғишт солиш ва ундан пишиқ ғишт олиш ишларини бажаради. Бунга бутун бир иш сменаси кетади, чунки ҳамма ишлар қўлда қилинади.

Республикада ғишт заводлари етарлича бўлиб туюлсада, ғишт ғоят тақчил. Лойиҳа ташкилотлари бунинг йўлини топмасалар тақчиллик янада ошиб кетган бўлур эди. Ғиштдан қуриш керак бўлган кўпгина объектлар мажбурий равишда темир-бетондан лойиҳаланмоқда. Қишлоқда қурилишлар тез кўпайиб бораётганлиги, у ерда уй-жой қурилиш кооперативлари ривож топаётганлиги муносабати билан ҳозир ғиштга талаб айниқса ошмоқда.

— Гумбаз шаклидаги янги печь ғишт пиширишни механизациялашга энг мақбул йўл очиб беради, — деди «Силикат» бирлашмасининг бош директори Т. Набиев. — Чунки янги печь одатдаги халқа печга нисбатан бир ярим баравар серунумдир. Унинг тузилиши оддий, маҳаллий саноат комбинати ҳам, хатто колхоз ҳам уни қура олади. Турли соҳалар учун печь лойиҳалари ишланмоқда.

(ЎзТАГ).

«Ароқ оқ, лекин у бурунни қизил, обрўни қора қилади».

А. ЧЕХОВ.

ЭРТАЛАБДАН буён шовқин-сурон бўлган цехда бир неча дақиқа станокларнинг, машина-механизмларнинг овози тиғандек бўлди. Ускуналар орасидаги йўлкалар эса гавжумлашиб қолди. Смена алмашинаяпти.

Электролиз бўлимининг катта мастери Козим Илёсов цехга иккинчи сменада ишлаяжак барча ишчилардан эрта келган. Доимий одати бу. Ўн йиллардан буён. Бугун ҳам бўлимдаги ускуналарни, улар олдида биринкетин пайдо бўлаётган катодчилар, слесарлар ва асбобсозларни бир-бир кўздан кечириб, «шунчаки» айланиб юрибди. Ташқаридан қараганда шундай туюлади. Аслида эса, катта мастер учун бу «шунчаки» айланиш эмас, балки сменани пишиқ-пухта қабул қилиб олишдан иборатдир. Бўлимдаги ҳар бир ускуна ва ҳар бир одам — у ҳоҳ ветеран бўлсин, ҳоҳ биринкки ойдан бери ишлаётган янги ишчи бўлсин, Козим Ивановичга яхши таниш. У ускунанинг товушидан, ишчининг бир оғиз «салом»ёйишидан бугунги, айни пайтдаги аҳволни пайқаб олади.

Катта мастер юзлаб станоклар орасидаги носозларини, яъни тез-тез бузилиб турадиганларини ҳам, юзлаб ишчилар орасидаги «носоғлом»ларини ҳам билади ва смена қабул қилаётганда, иш охиригача улардан бохабар бўлиб туради.

Бугун Козим Иванович Карушкиннинг станоги олдидан ўтиб кетаётиб, эндигина иш бошлаётган Карушкин билан бош қимирлатиб сўрашаркан, унга тикилиброқ қаради. Юрий Борисович тезда нигоҳини олиб қочди. «Йўқ, бир гап бор!» Козим Иванович у томонга қайрилиб, рўпарасига бориб кўришмоқ учун қўл узатди, баҳонада гапга солди. Мастернинг шубҳаси ўринли эди Карушкиннинг оғзидан гуп этиб ароқ ҳиди келди.

— Юрий Борисович, сиз бугун ишдан озодсиз,— деди мастер жахлини зўрға босиб, унинг елкасига қўлини қўйркан,— уйга бориб дам олинг.

— Мен... озгинагина, ўртоқ мас...

— Ёш бола эмассиз, Юрий Борисович, бу аҳволда сизни ишга қўёлмайман. Озгинамас, яхшигина олибсиз. Ишингиз электр билан алоқадор.

Козим Иванович ўзини босишга қанча уринмасин — бўлмади. Чунки, Юрий Борисовичнинг ишга маст ҳолда келиши биринчи марта эмасди. Чунки... мастер ҳозир зудлик билан унинг ўрнида ишлайдиган одам топиши керак эди. Бўлмаса, қунлик планга салбий таъсир бўлади, бу эса ойлик план оқсашига олиб келади.

Цех ўртоқлик судининг қарори билан Ю. Карушкин икки ой муддатга 2-разрядга пасайтирилди, 13-маошдан, узоқ йил ишлагани учун тўланадиган устама ҳақнинг 50 процентидан маҳрум қилинди.

Буларнинг ҳаммасини кўзиб ҳисобласак, Ю. Карушкин йилига 500 сўмдан ажралди. Алкоголга ружу қилиш ўзини тиёлмаслик, интизомсизлик унга — малакали, тажрибали ишчига қанча қимматга тушгани шу рақамнинг ўзида кўриниб турибди.

Москваликларнинг мажбуриятида **«Белгиланган юксак кўрсаткичларга ҳеч қандай қўшимча моддий чиқим ва бошқа ҳаражатларсиз эришиш режаси тузилаётганлиги»** мана шу камчиликларни бартараф этиш резервини кўзда тутади.

Рух заводида 1982 йилда жами 90 ишчи куни йўқотилди. Бу эса давлатнинг 16,5 минг сўмлик кам маҳсулоти тайёрланди, деган гапдир.

Заводда ичкиликбозликка қарши кураш комиссияси ишлаб турибди. Унга директор Г. Бабков раислик қилади. Комиссия мажлисларида ичкиликка муккасидан кетган, бригада, цех жамоатчилиги тазйиқи билан эпақага келмаган айрим шахсларнинг ҳулқи муҳокама қилинади. жазоланади. Москваликларнинг интизомни бузишларга, ичкиликбозликка қарши кураш тўғрисидаги ташаббуси эълон қилинганидан кейин ҳам комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки кишининг ҳулқи муҳокама қилинди.

— Василий Александрович Дурневнинг наряд-карточкасида ҳар ойда албатта икки-учта «минус», яъни прогуллар бўлади,— деди мажлисда сўзга чиққан меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи З. Рибалко,— бу киши пенсия ёшига етиб қолган, меҳнат дафтарчасида эса ўнлаб иш жойи адреслари ёзилган. Бир сўз билан айтганда — учар. Бизда ишлаётганига ҳам икки-уч йил бўлди, лекин у ҳақда фақат совуқ гапларни эштамиз. Ичкилик туфайли ё сабабсиз прогул қилади, ё сменадан ҳайдаб юборилади...

В. Дурнев икки ой муддатга кам маошли ишга ўтказилди, 13-маошдан тўла маҳрум қилинди, кўп йиллик стажи учун тўланадиган устама ҳақнинг 50 проценти қирқилди.

Завод коллективи москваликларнинг ташаббусини биринчилар қатори маъқуллади. Шу воқеага бағишланган митингда илғор ишчилар, хизматчилар сўзга чиқиб, ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Кадмий цехи комсомол ташкилотининг секретари, электромонтёр **Юрий Жигалов:**

— Кейинги йилларда заводимизда кўплаб янги ускуналар ўрнатилди, меҳнат шароитини яхшилаш бўйича кўп иш қилинди. Бироқ, меҳнатни ташкил этиш ҳамон фаолиятимиздаги «танг жойлар»дан бўлиб қолмоқда. **Прогул кўп бўлмаса ҳам, ишга кечикиб келиш, тушликни чўзиш ҳоллари мавжуд. Бу эса ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатади. Заводимизда 71 та бригада бор, шундан 12 таси коллектив иш ҳақини ҳар бир кишининг иштироки коэффициентига қараб тақсимлаш усулида ишлаяпти. Бундай бригадаларни кўпайтириш керак. Бу усул — москваликлар ташаббусидаги шиорнинг ўзгинасидир.**

Цех бошлиғи **Юрий Петрович Гутерман:**

— **Асосий камчилигимиз — қўпол интизомсизликлар, тартиб-бузарликлар бригадада, цехда ёпиғлигича қолиб кетади, айбдорлар жазога тортилмайди. Бунда кўпинча бу ишни беркитган смена мастерлари айбдордирлар. Бунга чек қўйиш керак. Яна бир нарса — кўп илғор, фидокор ишчилар ўз ёнидаги дангасага, прогулчига лоқайдлик билан қарайди. Бу ҳол жуда ташвишлидир. Чунки, дангаса, прогулчи, тартиббузарнинг тарбияси аввало у бирга меҳнат қилаётган одамлар даврасида амалга оширилади ва бу нарса мақсад учун курашда — юксак интизомга, намунали коллективга эришишда энг самарали воситадир.** Москваликларнинг ажойиб ташаббуси ишимизга таҳқидий қарашга, мана шу камчиликлар устида жиддий ўйлаб кўриб, уларни бартараф қилиш бўйича жиддий амалий ишга ўтишга ундагани билан қимматлидир.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

КОЛЛЕКТИВ ВА ИНТИЗОМ

ИЧКИЛИКБОЗЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ!

Эртасигаёқ цех ўртоқлик судининг мажлиси чақирилди. Кун тартиби битта: 4-разрядли катодчи Ю. Карушкиннинг хулқини муҳокама қилиш. Ачинарлиси шундаки, худди шу кун тартиби ўртоқлик суди мажлисига биринчи марта қўйилмаётган эди.

Шунинг учун ҳам мажлис шафқатсизлик руҳида ўтди. Ўртоқлик суди раиси, ветеран слесарь Виталий Степанович Теселкин ишчи Карушкиннинг спиртли ичимликка ҳирс қўйгани, бир неча марта оғзаки ва расмий огоҳлантиришларга қарамай ҳамон «озгина отиб» ишга келаётгани, бу эса бугун бўлмаса эртага уни фалокатга гирифтор қилиши мумкинлиги, илғор коллектив шаънига эса қоп-қора доғ бўлиб тушиши тўғрисида гапирди.

— Шу аҳволнинг ўзи ҳам, яъни ишга маст ҳолатда келишнинг ўзи ҳам коллектив номига иснод,— деди у сўзининг охирида.— Юрий Борисович яхши гап билан тузалмади, энди жиддийроқ чора кўриш керак.

Кейин сўзга чиққан бошқа ҳамкасблари орасида ҳам Карушкинни ҳимоя қиладиганлар топилмади. Бу эса қувонарли манзара эди — ичкиликбоз, ишёқмасларга муросасиз бўлган коллективда маънавий муҳит соғлом бўлади.

...Ҳа, москваликларнинг ташаббусида **коллективларда микроқлимни яхшилашга доир тадбирлар системасида ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши аниқ мақсадни кўзлаб актив курашиш алоҳида ўрин эгаллаши** бежиз таъкидланмаган...

Энди бунинг, биргина ишчининг ичкиликка мойиллиги, интизомсизлиги заводга, давлатга қанчага тушишини кўриб чиқайлик. В. И. Ленин номли Олмалиқ кон металлургия комбинатининг руҳ заводи «Коммунистик меҳнат коллективи» деган шарафли ном эгаси. Ҳар бир ишчи кунига ўртача 185 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Кўпчилик ҳоллларда ишчилар йўқотилган бир минутни эмас, беш-ўн минут ишга кечикиб келиш, тушликка беш-ўн минут эрта кетиш, сменани беш-ўн минут вақтли тугатиш кабиларни интизомсизлик деб тушунмайдилар, оддий бир ҳол деб биладилар. Аслидачи? Ана шу беш-ўн минутларни юқоридаги каби завод миқёсида, комбинат, область миқёсида ҳисоблаб кўринг: йўқотилган бир минут иш вақтида миллионлаб сўмлар ҳавога учиб кетяпти.

Тор Г. Бабков раислик қилади. Комиссия мажлисларида ичкиликка муккасидан кетган, бригада, цех жамоатчилиги тазйиқи билан эпақага келмаган айрим шахсларнинг ҳулқи муҳокама қилинади. жазоланади. Москваликларнинг интизомни бузишларга, ичкиликбозликка қарши кураш тўғрисидаги ташаббуси эълон қилинганидан кейин ҳам комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки кишининг ҳулқи муҳокама қилинди.

— Василий Александрович Дурневнинг наряд-карточкасида ҳар ойда албатта икки-учта «минус», яъни прогуллар бўлади,— деди мажлисда сўзга чиққан меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи З. Рибалко,— бу киши пенсия ёшига етиб қолган, меҳнат дафтарчасида эса ўнлаб иш жойи адреслари ёзилган. Бир сўз билан айтганда — учар. Бизда ишлаётганига ҳам икки-уч йил бўлди, лекин у ҳақда фақат совуқ гапларни эштамиз. Ичкилик туфайли ё сабабсиз прогул қилади, ё сменадан ҳайдаб юборилади...

В. Дурнев икки ой муддатга кам маошли ишга ўтказилди, 13-маошдан тўла маҳрум қилинди, кўп йиллик стажи учун тўланадиган устама ҳақнинг 50 проценти қирқилди.

Завод коллективи москваликларнинг ташаббусини биринидаги пала-партишлик оқибатидир. Техника, минерал ўғитлар, бошқа моддий-техника ресурсларидан фойдаланишда ҳам худди шундай аҳволни кўриш мумкин.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми материалларини ўрганишга бағишланган машғулотларимиз фойдаланилмаётган резервларни қидириб топиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳақидаги суҳбатга айланиб кетди.

Ҳ. ХОЛИҚОВА,
Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз пропагандисти.

ПРОПАГАНДИСТЛАР ТАЖРИБАСИДАН

ҲАР ҚАРИЧИ ҲОСИЛ ТЎКАДИ

Яқинда сиёсий ўқув машғулотларида КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 йил) Пленуми ҳужжатларини ўргандик. Тингловчилар билан суҳбатда партиянинг сифатли, унумли меҳнатни, ташаббускорлик ва омилкорликни рағбатлантирадиган иқтисодий-шароитларни вужудга келтириш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмаларига алоҳида тўхталдик. Бу ўринда москваликларнинг қимматли ташаббуслари ҳақида ҳам гап кетди. Чунки, улар ташаббусининг асл моҳияти ҳам қўшимча чиқим ва ҳаражатларсиз янада юксакроқ пировард натижага эришишга қаратилгандир.

Машғулотларда меҳнат интизоми, социалистик мулкни, фидоёрона меҳнат эвазига етиштириладиган ноз-неъматларни авайлаб сақлаш ҳақида суҳбатлашар экан-миз, қишлоқ хўжалигида бебаҳо ҳазина ҳисобланган ердан унумли фойдаланиш аҳамиятини алоҳида уқдиришга тўғри келди.

Ўтган йил қишлоқ меҳнаткашлари, айниқса пахтакорлар учун ниҳоятда мураккаб келганлиги ҳаммага маълум. Шундай шароитда ҳам колхозимиз аъзолари пахта тайёрлаш планини анча ошириб бажаришга муваффақ бўлдилар.

Аммо хўжалигимизда колхоз ўртача кўрсаткичдан паст — 30—32 центнердан пахта ҳосили олган бригадалар ҳам йўқ эмас. Ахир бир-бирларига қўшни бўлган бригадалардаги ер унумдорлиги, уларнинг сув, техника, минерал ўғитлар билан таъминланиши ўртасида деярли фарқ бўлмаган ҳолда ҳосилдорликдаги бундай катта тафовутнинг сабаблари нимада?

Тингловчиларга ҳамма гап ерга муносабатда эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Ерга муносабат эса деҳқончиликдаги меҳнат интизомининг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Вазифасига сидқидилдан муносабатда бўладиган пахтакор ва механизаторлар ҳар бир ишни ўз вақтида ва сифатли бажарадилар. Уларнинг ерларида кўчатлар бут, гектарлар тўлиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда ҳар қарич ер ҳосил тўкади.

Аксинча, агротехника тадбирларининг белгиланган муддатларда бажарилмаслиги, кўчатларнинг ола бўлиб қолиши, пировард натижада ҳосилнинг чўғи камайиши

Кўчма колоннамиз қурувчилари асосан Тошкент районн хўжаликларида қурилиш ишларини олиб боришяпти. Биз уй-жойлар қурилишига ҳам жиддий эътибор бермоқдамиз.

С. ОЛИМОВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

* * *

ИШ ҚУРОЛИ СОЗ БЎЛСА

● ЎТГАН йили хўжалигимиз аъзолари 1720 гектар ернинг ҳар гектаридан 34 центнердан хирмон кўтариб, пахта тайёрлаш планини анча ошириб бажардилар. Обҳаво ноқулай келган шароитда ҳам бу даражада ҳосил етиштиришда техникадан самарали фойдаланганлигимиз катта аҳамиятга эга бўлди. Шуни айтиш кифояки, ялпи ҳосилнинг 80 процентдан кўпроғи машиналар ёрдамида териб олинди.

Янги йилда белгиланган улкан режаларимизни муваффақиятли бажариш учун шу кунларда иш қуролларини мавсумга тахт қилиб қўймоқдамиз.

Б. БЕРДИҚУЛОВ,
Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз бош инженери.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» Почтасидан

Ўтган йили редакция областимизнинг шаҳар ва районларида яшаб меҳнат қилаётган ишчи ва колхозчилар, хизматчилар, турли касб эгалари, мутахассислар, партия, совет, касаба союз, комсомол органлари ходимларидан, жамоатчи мухбирларимиздан, жойлардаги пост аъзолари ва кенг ўқувчилар оммасидан 10217 та хат-хабар олди. Уларнинг 9710 таси газета саҳифаларида босилди. Келган хат ва шикоятлар жойлардаги тегишли орган ва ташкилотларга юборилди. Жавоблар олинди.

Янги йилнинг дастлабки почталари ҳам баракали бўлмоқда. Хат-хабарлар оқими кун сайин кўпаймоқда. Бошланган янги йилнинг ўтган бир ҳафтаси давомида 112 та хат олинди. Қуйида ана шу хат-хабарларнинг айримларини эълон қиламиз.

ҚИШЛОҚЛАРДА ЯНГИ БИНОЛАР

● МЕН меҳнат қилаётган «Ташобқолхозстрой»нинг 54-колхозлараро механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари ўтган йилни баракали якунладилар. Пландаги 2 миллион 424 минг сўм ўрнига 2 миллион 601 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, йиллик план 107,3 процент адо этилди.

Навоий номли колхозда 180 ўринли болалар боғчаси, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозида 624 ўқувчига мўлжалланган мактаб бинолари фойдаланишга топширилди. «Ленин йўли» колхози ва «Тошкент» совхозларида ҳар бирн 200 бош қорамолга мўлжалланган молхоналар қуриб битказилди. Ильич номли колхозда 259 квадрат метр иш ўрнига эга бўлган маиший хизмат кўрсатиш уйи, Собир Раҳимов номли колхозда қурилган озуқа цехи ҳам бинокорларимиз томонидан барпо этилди.

Кўчма колоннамиз қурувчилари асосан Тошкент рай-

АРЗОН, ТЕЖАМЛИ, ФОЙДАЛИ

СОВХОЗИМИЗДА сўнгги йилларда картошкачилик, боғдорчилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Чорвадорларимиз ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг юбилей 60 йиллик юбилейини меҳнатда муносиб кутиб олдилар. Давлатга гўшт, сут, тухум ва жун сотиш юзасидан белгиланган план ва топшириқлар муддатидан илгари адо этилди. Ҳар бир сигирдан биринчи марта 3 минг килограммдан ошириб сут соғиб олинди. Бошқача қилиб айтганда говмушлардан ўтган йилгига нисбатан 130 килограммдан кўп сут согилди. Ҳар юз бош совлиқдан 92 ўрнига 113 бошдан соғлом қўзи олдик. Гўштга топширилган қўй ва эчкиларнинг ўртача тирик вазни 45 килограммни ташкил этди.

Бу муваффақиятларга аввало озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳисобига эришмоқдамиз. 1982—1983 йил қишлови учун ҳам етарли миқдорда ем-хашак жамгарилди. Ҳар гектар ердан 590 центнердан маккажўхори силоси, 625 центнердан хашаки лавлаги, 210 центнердан беда пичани йиғиштириб олдик. Хўжалигимизда айниқса лалмикор ерларга экилган арпа ва бугдойдан сомон жамғаришга катта эътибор берилади. Қишлов учун 800 тоннадан ортиқ сомон тўпланди.

Чорвадорларимиз ҳозирги кунда бутун диққат-эътиборни мавжуд озуқа турларидан самарали фойдаланишга қаратмоқдалар. СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасида ҳам бу ҳақда тўхталиб: «Ем-хашакнинг озуқа ва бошқа таркибий қисмлари жиҳатидан мутаносиблигини таъминлашга, ем-хашак сифатини яхшилашга, ундан оқилона фойдаланишга ва нобуд бўлишини қисқартиришга алоҳида эътибор берилсин», дейилган.

Яқинда совхозимизда озуқани қайта ишлаш йўли билан тўйимлилигини ошириш мақсадида янги цех ишга туширилди. Бу цехда сомон ва бошқа озуқалар аралашмаси тайёрланади. Бу озуқа қорамоллар учун зарур бўлган турли витаминларга, оқсилга бойдир. Уни тайёрлаш технологияси оддий бўлиб, ортиқча ҳаражатларга имкон туғдирмайди.

1,5—3 сантиметр қилиб майдаланган галла сомони махсус С-12 маркали агрегатга солингач, 0,25—0,35 ҳаво босимида 90—100 даражадаги иссиқликка эга бўлган буғда юмшатилади. Агрегатдаги сомон миқдори 500—700 килограммга етгач унга 10 килограмм монокальций фосфат, 5 килограмм карбамид ва 10 килограмм ош тузи солиниб аралаштирилади. Шу тариқа бир пайтнинг ўзида 2 минг килограммгача миқдордаги озуқа аралашмасини тайёрлаш мумкин.

Орадан 10—15 минут ўтгач, аралашмага 30—40 килограмм майдаланган галла чиқити қўшилади ва яна 30 минут 90—100 даражада иссиқликка эга бўлган қайноқ сувда буғлатилади. Умуман жами буғлаш муддати 65—75 минут давом этади. Сўнгра агрегатга 600—700 литр миқдорида совуқ сув қуйилиб, аралашма 50—55 даражагача совитилади.

Аралашмага ферментли препаратлар қўйидаги миқдорда — 1 тонна қуруқ сомон ҳисобига 2,5 килограмм целовердин ва 2,5 килограмм пектефиотидин солинади. Сомонни ферментация қилиш аралашмани қоришириб турилгани ҳолда, ҳар ярим соатда 10 минутдан тўхтатилиб, 2 соат давом эттирилади. Шундан кейин агрегатдаги ҳарорат 28—32 даражага туширилгач, аралашмага ачитқи сути қўшилади.

Ачитқи сутини тайёрлаш ҳам оддий. 100 даражали 40 литр иссиқ сувга 30 килограмм маккажўхори уни солинади. Сўнгра унинг ҳарорати 32 даражага туширилиб, ярим килограмм пиво хамиртуриши қўшилади. Орадан икки соат ўтгач, ундан бемалол фойдаланавериш мумкин.

Сомонни қайта ишлов берилган ҳолда корамолларга бериш катта самара бермоқда. Уларнинг маҳсулдорлиги кескин ортаётир. Энг муҳими бу озуқани тайёрлаш учун кам маблағ ва меҳнат сарфланмоқда. Агрегатни икки механик бемалол бошқаради. Бизда бу ишни Иброҳим Ашурбоев билан Хидирали Отабоевлар бажармоқдалар.

Хушхўр ва тўйимли озуқани қорамоллар нишхўрдга, чиқармасдан ейишяпти. Рациондаги озуқа бирлиги ҳам кескин ортди. Масалан, бир центнер буғдой сомонида 20,2 килограмм озуқа бирлиги, 900 грамм ҳазм бўлувчи протеин моддаси бўлса, бу сомон буғлатилиб, ачитилиб оқсила бойитилгандан сўнг унинг бир центнерида 80 килограмм озуқа бирлиги, 7000 грамм протеин бўлади.

Хўжалигимизда бу озуқа туридан фойдаланиш ҳисобига суткасига ўртача 7,2 центнердан озуқа бирлиги тежаб қолинмоқда. Говмушлардан соғиб олинаётган сут эса 1 килограммга кўпайиб, кунига 450 килограммга яқин қўшимча сут соғиб олинмоқда. Сутнинг ёғлилик даражаси 4,3—4,4 процентни ташкил этяпти. Озуқа цехида бир ой мобайнида 100 тонна сомон, 16 тонна омухта ем тежалади.

Чорвадорларимиз мавжуд озуқа турларидан самарали фойдаланиш ҳисобига чорва тўёғини янада кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини энг юқори даражага кўтариб, янада мўл-кўл гўшт, сут, тухум етиштириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Биз ўз имкониятларимизни кўриб чиқиб, ўн биринчи беш йиллик охирига бориб, гўшт етиштиришни 420 тоннага, сутни 1600 тоннага етказамиз. Тухум етиштириш 4,3 баробар кўпаяди. Белгиланган вазифалар реал, амалга оширилиши мумкин. Фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенгроқ тадбиқ этамиз.

С. БАЛАШОВ,
Оҳангарон районидаги С. Раҳимов номли совхоз директори.

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ

ОИЛА ВА БУРЧ

Оила аъзоларининг, хусусан ота-онанинг ўзаро муносабатлари фарзандларнинг вояга етишида характер жиҳатидан шаклланиши ва камолотида жуда муҳим роль ўйнайди. Оилада тарбиянинг тўғри йўлга қўйилиши, тотувлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик ва аҳиллик барқарор бўлиши учун қандай вазиятни вужудга келтириш лозим? Ана шу саволга жавоб тариқасида баъзи фикр мулоҳазалар билан ўртоқлашмоқчимиз.

Айтиш мумкинки, ҳар бир оилада ота-она ўз фарзандларининг психологиясини яхши билади. Бу оиладаги шунчаки кундалик кузатишлардан келиб чиқади. Лекин улардаги билим, тажриба, кузатиш психологик қонуниятларга, болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига асосланган бўлади, тарбияда ана шу хусусиятларга амал қилинмайди, шу туфайли ҳам катталар билан болалар ўртасида кўпинча «англашилмовчилик ғовғи» вужудга келади. Ана шундай ғовғи олиб ташлаш, тўғри муносабат ўрнатиш учун психология билимидан албатта хабардор бўлмоқ, унинг қонуниятларига амал қилмоқ лозим.

Бунинг зарурати шундаки, болаларнинг психологияси билан қарияларни яқиндан таништириш оилада тотувлик, ҳамжиҳатлик ва яхши муросани вужудга келтиради. Болалар қариялларга бўлган ўзларининг илиқ муносабатларини андиша, одоб, меҳр-оқибатни идеал сифатида тан олишларига эришиш зарур. Қарс икки қўлдан. Ўз навбатида катталар ҳам ёшларнинг ана шу идеалга бўлган ишончларини авайлашлари керак. Самимий ва юмшоқ муомала ёки қўрслик, кўполлик, адолатсизлик, албатта уларнинг руҳий дунёсига, ички кечиналарига, тушунчасига ҳох ижобий, ҳоҳ салбий таъсир қилмай қолмайди. Шуни унутмаслик керакки, болалар ғоят таъсирланувчан, ўз фикрий даражаларига яраша хулоса қилишга мойил бўладилар.

Ота-оналар фарзандларининг феъл-атворини, қизиқишлари, интилишлари, қобилиятлари, эҳтиёжлари, умуман уларнинг руҳий дунёсини чуқур билганлари тақдирдагина оилада нормал психологик иқлим мавжуд бўлиши мумкин.

Оилада болаларга муносабат ва талаб бир хил бўлгани маъқул. Чунки уларнинг бирини ортиқча мақташ бошқасини камситиш, шахсиятига тегишнинг оқибати дуруст бўлмайди. Яна бир муҳим томони: ёш болалар ҳамма нарсага ўта қизиқувчан бўладилар. Турли саволларни кўп беришади. Шунда, «ҳаҳ, сенга ким қўйибди», ёки «бунга ҳали ақлинг етмайди», «бунга сен аралашма» каби ўдагайлашлар уларнинг қизиқишини сўндиради, қўнглини совутади. Бунинг ўрнига аста тушунтириш, қониқиш ҳосил қилмоқ зарур. Бу эса вақт ва қунт талаб қилади. Саволларга ёлғон ва нотўғри, юзаки жавоб беришдан ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Ёлғон сўзлаш туфайли ота-она ўз фарзанди олдида обрў-эътиборини, ишончини йўқотади.

Оилада катталарнинг обрўси болани қўрқитиш йўли билан эмас, балки ишонч ва самимият, чинакам ҳурмат қилиш туфайли қўлга киритилса албатта бу доимий бўлади. Оила аъзоларининг иноқлиги, ҳатти-ҳаракати, юриш-туриши, кийиниши, меҳнат фаолияти, ўзга кишилар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ва бошқа шахсий ҳислатлари боланинг мурғак тасаввурига янги-янги образларни олиб киради. Улар ана шу ҳислатларга тақлид қила бошлайди.

Ўсмирлик даврида болаларнинг руҳий дунёсида катта ўзгаришлар юз беради. Бу ўзгаришларга қатор сабаблар, чунончи биологик тараққиётнинг (жинсий, жисмоний) юқори босқичга ўтганлиги, тарбия бераётган давранинг кенгайганлиги, атрофмуҳит катта таъсир ўтказади. Натижада уларнинг психологиясида кескин бурилиш ясалади, бола камолот сари қадам қўяётганлигини ҳис қила бошлайди, мактабда, оилада ва кўча-кўйда ўзини тутиши, ижтимоий-сиёсий маданий, унинг руҳий дунёсида айрим ўзгаришлар юз беради. Ота-она ижоби борича фарзандларидаги (ҳоҳ қиз, ҳоҳ ўғил) бундай ўзгаришдан хабардор ва ҳушёр бўлиши, тўғри маслаҳат кўрсатиши, ҳаёт ҳақиқати воситасида ишонтира билишлари зарур. Сохта, ўткинчи ҳавас, вақтинчалик ҳис-туйғулар чинакам севги-муҳаббат эмаслигини исботлаб бериш, уларнинг ҳақиқий, соф ҳис ва севгиларини ҳурматлаш, тўғри йўлга солиш энг самарали воситадир.

Ўспиринлик даврида башанг кийиниш, юриш-туриш ва ташқи қиёфага зеб беришга мойиллик кучлироқ бўлади. Баъзан бачаналикларни ҳам ўзлари сезмай қолишади. Бундай пайтда дўқ-пўписа, иззат-нафсга тегиш, мажбурлаш ёки ҳақорат қилиш йўли билан эмас, балки унинг шахсияти, қадр-қимматини авайлаган ҳолда ётиги билан, ишонтириш йўли билан таъсир ўтказилса тўғрироқ бўлади.

Шунингдек, ўспиринларга касб танлаш жараёнида ҳам тўғри йўлланма бериш, уларнинг қизиқишлари, салоҳиятлари билан ҳисоблашишлари шарт. Айрим ота-оналар фарзандларининг майлига, интилишига, раъйига, қизиқишига қарамасдан дуч келган олий ўқув юрти ёки техникумга, ўзларига маъқул бўлганини тавсия қиладилар. Афсуски, ишчи касбини ўрганиш, ҳунарли бўлиш, меҳнат қилиш билан бирга сиртдан ўқиб, бемалол олий маълумотли бўлиш, ҳалол меҳнат, касб туфайли келажакни таъминлаш зарурлигини ишончли мисоллар билан тушунтирмайдилар. Нима бўлса ҳам, олий ўқув юртига киритишга ҳаракат қиладилар. Бундай уринишлар кўпинча муваффақиятсизликка учрайди. Ўз касбини сева олмаган йигит ёки қиз оқибатда (ота-она раъйига қарши) ўқув даргоҳини ташлаб кетади. Бу эса шубҳасиз оила тинчлигини бузади, фарзандлар билан ота-она ўртасида келишмовчилик юз беради. Келажак, ҳаёт-мамот ва тақдир билан боғлиқ бўлган бундай жиддий масалаларда енгил-елпи иш тутиш, оқибатини ўйламаслик катта зарба бериб қўйиши мумкин.

Албатта битта мақола ёки суҳбатда оиладаги тарбия вазияти ҳақида, ёшларнинг психологияси ҳақида, ота-оналар билан болаларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида узил-кесил хулоса чиқариш, барча мулоҳазаларни билдириш қийин. Чунки тарбия ғоят мураккаб, машаққатли ва нозик иш. У алоҳида маҳорат, билим, тажриба, қунт ва изчиллиги талаб қилади. Болалар психологиясига доир билим ва ҳаётий тажрибаларни пухта ўрганиш, бунга амал қилиш ёшларни оилада тўғри тарбиялаш, вояга етказишда катта ёрдам беради.

Тарбия мавзуида

Э. ҒОЗИЕВ,
психология фанлари кандидати, ТошДУ психология кафедрасининг мудири.

ОТАХОНЛАР МАСЛАҲАТ БЕРАДИ

Жонажон республикамиз қишлоқ хўжалиги йил сайин ривожланиб равнақ топмоқда. Пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлиги ортиб бораётир. Бунда иғк коллективлаштириш даврининг биринчи вакиллари, биринчи коммунист, комсомоллар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ветеранларининг ҳам хиссаси катта. Уларнинг ажойиб анъаналарини бугунги кунда ўғил-қизлари, фарзандлари давом эттирмоқдалар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети партия тарихи институти биноси фойеларида ташкил этилган виставка республикамиз қишлоқ хўжалигининг тарихига оид ҳар хил асарлар, фото альбомлар билан безатилган.

Бугун бу ерга ветеранлар ташриф буюришган. Учрашувга Узбекистон қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев ҳам таклиф этилган эди.

Институт директори, Узбекистон колхоз ва совхозлари тарихи жамоатчилик институти Советининг раиси, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор Ҳ. Т. Турсунов учрашувни қисқача кириш нутқи билан очди. Сўнг ўрток А. А. Уркинбоевга сўз берилди.

У йиғилганларга КПСС Марказий Комитети май ва ноябрь Пленумлари қарорлари асосида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида амалга ошириладиган ишлар ва режалар тўғрисида сўзлаб берди. Нотиқ институтнинг ва ветеранлар Советининг ишларига юқори баҳо берди.

Учрашувда сўзга чиққан Узбекистон колхоз ва совхозлари тарихи жамоатчилик институти Тошкент шаҳрида яшовчи қишлоқ хўжалиги ветеранлари Советининг раиси, республика миқёсидаги пенсионер Умарбек Арслонбеков, ветеранлардан В. Н. Куликов, Фахри Нажимов ўртоқлар ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрлик учун партия ва ҳукуматимизга самимий миннатдорчилик изҳор қилдилар. Улар ветеранлар советининг ишини янада жонлантиришга оид қимматли фикрларини ўртага ташладилар.

Учрашув йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

А. ТИЛОВОВ.

● АЛИМКЕНТДАГИ пахта тозалаш заводи уруғлик чигитни тайёрлашга ихтисослаштирилган корхонадир. Айни кунларда бу ерда 1983 йил ҳосили учун замин тайёрланмоқда. Суратларда: контролёр-агроном Гулёра Мингазова уруғлик чигитнинг сифатини кўздан кечиряпти. Чигитни туксизлантириш цехининг мастери Фахриддин Ҳасанов ва бригадир Анвар Ҳакимов уруғликни хўжаликларга жўнатишга тайёрлашяпти.

В. Скроткин фотолари.

ХУШХАБАР

НАСЛЧИЛИК ЗАВОДИ ИШГА ТУШДИ

Тошкент областидаги Қорасув давлат зотли парранда чилик заводининг биринчи навбати ишга тушди. Корхона гўштбоп зот тухум берадиган беш мингта товуқни боқиш учун ўтган миллион дона тухум оладилар.

«Ташоблсельстрой» трестига қарашли 95-механизациялашган кўчма колоннадан П. И. Чернецов бошлиқ бригада пировард натижаларга қараб ҳақ тўлаган ҳолда меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулидан фойдаланиб, қурилиш ишлари ва объектни топшириши ўз муддатида уддалади. Анъанавий йиғма темирбетон ўрнига енгиллаштирилган типдаги ярим ром конструкциядан фойдаланиш бунга ёрдам берди.

Қурувчилар давлат зотли парранда заводининг иккинчи навбатини ҳам шу йилнинг ўзида ишга туширишни мўлжалламоқдалар.

(ЎзТАГ мухбири).

Халқаро ҳаёт

Чет эл ахборот воситалари Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Сиёсий декларациясини шарҳлаб, бу муҳим ҳужжат халқаро вазиятни чуқур илмий асосда таҳлил этиш негизида тинчликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшишини таъкидламоқдалар. Прага декларацияси — турли социал системаларга мансуб давлатларнинг тинч-тотув яшашдан иборат ленинча сиёсат руҳи билан суғорилган тарихий ҳужжатдир.

Шу билан бирга кўпгина шарҳларда империалист кучларнинг қаршилиги сабабли шу тинчлик ташаббусларини рўёбга киритиш осон ва жўн иш бўлмаслиги ўқтириб ўтилмоқда. Уларни турмушга татбиқ этиш учун зўр сабот билан изчил курашиш зарур.

Чет эл давлат ва сиёсат арбоблари Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг Прагадаги кенгаши якунларига жуда катта аҳамият бермоқдалар.

✦ ВЕНА. Австрия канцлери **Б. Крайский** Варшава Шартномасида ва НАТОда қатнашувчи давлатлар ўртасида ўзаро ҳарбий куч ишлатмаслик ва тинч муносабатларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида шартнома тузиш ҳақида кенгашда ўртага қўйилган таклифни «ғоят муҳим» деб таърифлади. «Прагадаги кенгашда намоён этилган мулоқот иқлими ижобий баҳолашга сазовордир»,— деб таъкидлади у Испаниянинг ЭФЭ матбуот ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда.

✦ БОННГ. Ҳозир ГФРда муддатидан илгари парламент сайловига кўрилаётган тайёргарлик муносабати билан авж олиб кетган сайлов кампанияси шароитида сиёсий партияларнинг раҳбарлари, парламент аъзолари сайловчиларнинг фикри билан ҳисоблашмасликлари мумкин эмас. Прага Сиёсий декларациясида кўтариб чиқилган янги ташаббуслар, шунингдек Совет Иттифоқининг яқинда бошлаган тинчлик таклифларининг бутун бир комплекси эса бу сайловчиларда жуда катта таассурот қолдирди.

Германия социал-демократик партиясидан ГФР канцлери лавозимига номзод **Г.-И. Фогель** Москвага жўнаб кетишдан аввал телевидение орқали сўзлаган нутқида бундай деди: «мамлакатимиздаги, қолаберса бутун дунёдаги кишилар қуролланиш пойгасига чек қўйилишини ҳоҳлайдилар ва бунга умид қиладилар. Мен ядровий фалокат қаршисида гражданларимиз ташвиш чекаётганлигини изҳор этишга ҳаракат қиламан. Биз Европада ракеталар кўпроқ эмас, балки камроқ бўладиган ҳолатга эришмоғимиз зарур».

ГФРда бошланган сайловолди кампанияси чоғида мен, деди Г.-И. Фогель, сайловчилардан «янги ракеталар жойлаштирилиши заруратини тушунишга ва илгари жойлаштириб қўйилган ракеталарни камайтиришга имкон берадиган сиёсат ўтказиш учун мандат» беришларини сўрайман.

ГФРнинг ҳозирги канцлери **Г. Коль** ҳам социалистик мамлакатларнинг сўнгги ташаббуслари хусусида гапирди. У христиан-демократик иттифоқ партиясининг Людвигсхафендаги конференциясида сўзлаган нутқида Сиёсий маслаҳат комитети кенгаши қатнашчиларининг НАТОга аъзо бўлган мамлакатлар билан ўзаро ҳарбий куч ишлатмаслик ва тинч муносабатларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида шартнома тузиш ҳақидаги таклифини «пухта ўйлаб, сергак» баҳолаш зарурлигини айтди. Шу билан бирга Коль «Ғарбнинг Ғарбий Европада ўртача олисликка учириладиган Америка ядро ракеталарини жойлаштиришдан батамом воз кечиши»га қарши эканлигини яна бир марта айтди.

✦ БЕЛФАСТ. **Ирландия Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги учун курашувчи комитети** баёнот берди, баёнотда, жумладан, бундай дейилади: ядро қуролларини кўпайтирмаслик, ядро ва оддий қуролни биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисидаги мажбурият, Европадаги ракеталарни қисқартириш ҳақидаги ҳамма таклифлар ижобий назар билан ўрганиб чиқилиши ва муҳокама этилиши мутлақо зарур. Англия бош министри билан Америка президентининг мулоқот ўтказишдан ва ҳамкорликни йўлга қўйишдан воз кечиш мақсадида қилаётган ҳамма ҳаракатлари ва баёнотларини Буюк Британия, Қўшма Штатлар ва бутун Европа халқлари рад этишларига аминмиз.

✦ ВАШИНГТОН. Америка **Эн-Би-Си** телекомпаниясининг АҚШ давлат департаменти ҳузуридаги мухбири Марвин Қалб янги ташаббуслар тўғрисида гапириб бундай деб ўқтирди: «бу ташаббусларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи муттасил тинчлик юришининг таркибий қисмларидир, бу юриш ҳозирнинг ўзидаёқ натижаларни бермоқда». «Чамаси, президент Рейган ўзини-ўзи мудофаа қилиш ҳолатида турган ҳозирги пайтда у русларнинг таклифлари тўғрисида ҳақиқатан қай фикрда эканлигини ошкора айтишга жазм қила олмайди».

✦ ЛОНДОН. Англияда чиқадиган **«Гардиан»** газетасининг фикрича, Оқ уй «Ғарбий Германия жамоатчилик фикри учун курашда ютқазиб қўяётганлиги»дан ташвишга тушмоқда.

✦ ВАРШАВА. Польшада чиқадиган **«Речь посполита»** газетасининг ўқтириб ёзишича, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг Прага кенгаши Ғарбнинг муҳолифлик йўлига тинчлик программасини қарама-қарши қилиб қўйди. Бу программани амалга ошириш осон бўлмайди, деб таъкидлайди газета. Бироқ, кенгаш қатнашчилари ўртага қўйган таклифларни тинчлик ва кескинликни юмшатишни азиз билувчи миллион-миллион кишилар қўллаб-қувватламоқдалар, социалистик давлатларнинг бирлиги, уларнинг мамлакатларимиз хавфсизлигига, худди шунингдек, умуман тинчлик тақдирига хизмат қилаётган иқтисодий ва мудофаа потенциали бу таклифларнинг таянчидир, деб ўқтиради газета.

(ТАСС, 10 январь).

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАН

НИКАРАГУА ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

МАНАГУА. Никарагуа ташқи ишлар министрлиги Рейган маъмуриятининг мадади ва ҳомийлигидан фойдаланаётган аксилинқилобий қуйқаларнинг янги жиноятлари муносабати билан Қўшма Штатлар ҳукуматига қатъий норозилик билдирди. Ташқи ишлар министрлигининг АҚШ давлат департаментига юборган нотасида қуйидагилар ўқтириб ўтилади 40 кишидан иборат самосачилар тўдаси 7 январда Никарагуанинг Хинотега департаментига бостириб кириб, Яли аҳоли пункти яқинида кофе теріб турган икки деҳқонни ваҳшийларча ўлдирдилар. Шундан кейин террорчилар Гондурасдаги ўз базалари территориясига қайтиб кетишди.

Собиқ самосачиларнинг бу жиноий ҳаракатлари, деб таъкидланади ҳужжатда, Вашингтон маъмуриятининг Никарагуага нисбатан олиб бораётган агрессив сиёсатининг бевосита натижасидир. Қўшма Штатлар милитаристик ва босқинчилик сиёсатидан воз кечмагунича Марказий Америка регионида тинчлик ва барқарорликка эришиш мумкин эмас, дейилади Никарагуа ташқи ишлар министрлигининг нотасида.

ЛИВАН БОШ МИНИСТРИНИНГ ТАЛАБИ

ТОКИО. Ливан Бош министри Шафиқ Воззан Исроил оккупациячи қўшинларининг Ливан территориясидан дарҳол ва сўзсиз олиб кетишини талаб қилди. У Япониядаги «Асахи» газетаси мухбири билан суҳбатда Ливаннинг позициясини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва халқаро жамоатчиликнинг кенг доиралари тамомила қўллаб-қувватлаётганлигини таъкидлади.

Исроил билан муносабатларнинг ҳар қандай тарзда йўлга қўйилиши «мамлакатимизнинг суверенитетини бузмаслиги, Ливаннинг бошқа араб давлатлари билан дўстона муносабатларига ҳалал бермаслиги керак», деди Ш. Воззан. У АҚШнинг Яқин Шарқда тутаётган сиёсатини қоралаб, Вашингтон Исроил қўшинларининг Ливандан олиб кетилишига эришиш учун Тель-Авивга бўлган сиёсий таъсиридан фойдаланишга очиқдан-очиқ шошилмаяпти, деб ўқтириб ўтди.

(ТАСС, 10 январь).



● Афганистонда саводсизликни тугатишга катта эътибор бериляпти. Мамлакатда саводсизликни тугатиш бўйича 30 мингтадан кўпроқ курслар ташкил этилган бўлиб, уларда 632 минг ишчи ва деҳқон ўқиш ва ёзишни ўрганмоқда. Курсларда 14 мингдан кўпроқ ўқитувчи машғулотлар ўтказади. Суратда: саводсизликни тугатиш бўйича Кобулда ташкил этилган курсда.

ЧТК-ТАСС фотосн.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ЛИМА. Перу шимолидаги Пьюра департаментида узоқ давом этган жала ёмғир туфайли юз берган сув тошқини натижасида қариб 2800 та уй хонавайрон бўлди, 16 мингдан зиёд киши бошпанасиз қолди.

Сульян вилояти энг кўп зарар кўрди. Бу ерда кучли сув оқими 1200 та уй-жойни вайрон қилди ва қариб шунча уй ишсиз қолди.

Қишлоқ хўжалигига катта зарар етди. Чира ва Пьюра дарёлари водийсида шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари бутунлай нобуд бўлди. Ҳамма ерда дала ишлари тўхтаб қолди.

Пьюра департаментида табиий офат муносабати билан фавқулодда аҳвол жорий этилди.

✦ ДАККА. Бангладешнинг миллий саноати биринчи марта қоқшалга қарши эмлаш учун препарат ишлаб чиқаришга киришди. Бу препарат соғлиқни сақлаш институтининг олимлари томонидан яратилди. Унинг кенг қўлланилиши мамлакатнинг қишлоқ районларига тарқалган шу хатарли юқумли касалликка қарши самарали кураш имкониятини беради.

ЛОНДОН. Лейбористлар партиясидан парламент депутати Тэм Дайелл Буюк Британия Бош министри Тэтчернинг Фолкленд (Мальвин) ороллариға сафарини танқид қилди. Тэтчернинг Жанубий Атлантикага келиши бу регионда кескинликни кучайтиради, деди парламент аъзоси бўлган лейборист. Бундан ташқари Тэтчернинг сафари архипелаг ороллари тевараги да Англия билан Аргентина ўртасидаги можарони бартараф этиш юзасидан битим тузилишини қийинлаштиради, деб таъкидлади Дайелл.

✦ КОҲИРА. «Жерузалем пост» газетасининг хабарига қараганда, Исроилда хотин-қизлар эркакларга қараганда қариб 30 процент кам иш ҳақи олмоқда.

(ТАСС, 10 январь).

ФАКТ ВА ШАРХ

КИТОБЛАР ФОШ ЭТАДИ

● А. НАВОИЙ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ КУТУБХОНАСИДА АТЕИСТИК МАВЗУДАГИ КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

БИРИНЧИ бўлим «Марксизм-ленинизм дин тўғрисида» деб номланган. Ундан К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарлари кенг ўрин олган. Диннинг пайдо бўлиши ва унинг моҳияти тўғрисида бошқа бўлимлардаги хилма-хил китоблар ҳикоя қилади. Шунингдек, диннинг қарашларининг пуч ва уйдирма эканлигини асослашда фаннинг роли бўрттириб кўрсатилган. Жаҳон мамлакатларидаги динлар, диндорлар тўқиб чиқарадиган соҳта «мўъжизалар» тўғрисида маълумот берувчи китоблар ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотаётир.

Л. ИЛЬИНА.

КЎЧАЛАРДА ЯНГИ МАШИНАЛАР

● ЯНГИ йилнинг дастлабки кунларидаёқ шаҳардаги автопарклар 37 та янги «Волга» такси автомашинасини олди. Улар социалистик мусобақада ғолиб чиққан тажрибали шофёрларга берилди.

ЯНГИ йилда таксопарклар одатдаги машиналардан ташқари газ билан юрадиган «ГАЗ-2407» маркали машиналарни ҳам оладилар. Улар атроф муҳитни кам миқдорда зарарсизлантиради. Ҳозир бундай машиналарнинг дастлабки намуналаридан фойдаланилмоқда. Уларни шофёрлар ҳам, йўловчилар ҳам юқори баҳолашмоқда.

И. ҚОРАБОЕВ.

МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИДА

ТАРИХГА САЁҲАТ

СССР Халқлари дўстлиги музейи фонди қисқа вақт ичида Ўзбекистон ва қардош республикалар тарихига оид 17 мингдан ортиқ экспонатлар билан бойиди.

Музейнинг сокин ва озода залларидан жой олган тарихий ҳужжатлар, саргайиб кетган газета саҳифалари, фотолавҳалар, тасвирий санъат асарлари сизни Ўзбекистон тарихига саёҳат қилдиради. Улар орасида, айниқса, 1912 йилги Сапёрлар қўзғолони, 1916 йилги Жиззах қўзғолони, 1917 йил февралида бўлиб ўтган Самарқанд намойишлари акс этган бадиий полотнолар, дастлабки ўзбек революционерлари ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берувчи фотосуратлар диққатингизни ўзига жалб қилади. «Ер ҳақидаги сулҳ», «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси», «Ленин йўлланмаси билан Туркистонга келган кишилар», «Мирзачўлда 500 минг десятина ерни ўзлаштириш ҳақида» каби ҳужжатларни ўқир экансиз, бир лаҳза хаёлга толасиз. Кўз ўнгингизда хон ва амирлар истибдодидан нола чеккан ўзбек халқининг ўтмиши, мустақилликка эришиш йўлидаги кураши ва Совет ҳокимияти йилларида эришган ютуқлари жонли ифодасини топади.

Шу кеча-кундузда бу даргоҳдан кишиларнинг қадами узилмайди. Дунёнинг турли қитъалари ва Иттифоқимиз шаҳар-қишлоқларидан келган юзлаб меҳмонлар алоҳида иштиёқ билан музейга ташриф буюришмоқда. Улар қардошлик оиласида гуллаб-яшнаган ҳур республика тарихи билан танишар экан-лар, дил сўзларини изҳор этишмоқда.

— Мен музейда бўлгач, оғир йиллар синовига бардош бериб ўз тарихи ва миллий маданиятини ярата олган меҳмондўст, бағри очиқ пахтакор ўзбек халқи олдида бир умр таъзим бажо қилиш лозим деган қарорга келдим, — дейди мадагаскарлик турист Денис Сабо.

— Музей экспонатлари билан танишган киши қалбида тинчлик ва дўстлик гоялари жўш уради,— мамнуният билан суҳбатга қўшилади кубалик меҳмон Б. Ларри.— Халқлар дўстлиги тарихини абадийлаштириш ишига муносиб ҳисса қўшаётган музей ходимларига самимий миннатдорчилик билдираман.

— Тематик павильонимизда турли байрам ва тантаналар муносабати билан кечалар ўтказиб туриш анъанага айланиб қолган,— дейди музей директори, тарих фанлари кандидати Дилбар Мадраҳимова.— Чунончи, Сталинград мудофаасининг 40 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2000 йиллигига атаб ўтказилган учрашув ва суҳбатлар пойтахт комсомол-ёшлари, мактаб ўқувчилари қалбида чуқур таассурот қолдирди. Бундай хайрли ишларни амалга оширишда Ўлмас Шукуров, Екатерина Комарская, Зуҳра Сиддиқова, Наталья Рудькова сингари изланувчан ходимларимиз ташаббускорлик кўрсатишяпти.

А. ҲАЙДАРОВ.

Серқуёш республикамизда

● ЗАРАФШОН МАРКАЗИДА СОВЕТЛАР УЙИ ОЧИЛДИ. Қизил гиштдан қурилган, мармар ва гранит билан безатилган ажойиб архитектура биноси Ленинград меъморларининг лойиҳасига биноан барпо этилди.

● ЛЕНИНСКДА АВТОБУС ВОКЗАЛИ ОЧИЛДИ. Объектни барпо этаётган «Ўзавтострой» бошқармаси ишларни пухта ва ўз муддатида бажарди. Янги вокзалда пассажирлар учун медпункт, она ва бола хонаси, омонат камераси ва бошқа хизматлар мавжуд. Ҳайдовчилар учун меҳмонхона бор. Янги вокзалдан 55 та автобус маршрути қатнайди.

● НАМАНГАН ШОЙИ ГАЗЛАМАЛАР КОМБИНАТИНИНГ рационализаторлари жорий этган янгиликдан бир йилда 50 минг сўм фойда олиш мумкин. Ишчи А. Акбаров билан Ҳ. Тожибоевлар корхонада кўп йиллардан буён фойдаланиб келинаётган бўёқ таркибини ўзгартиришни таклиф этдилар. Бундан бўёқ анча арзонга тушиб, уни тайёрлаш ҳам осон, бўялган газламанинг сифати эса сезилари даражада ошди.

● ЛЕНИН ЙЎЛИ РАЙОНИДА ИШЛАЙ БОШЛАГАН сут заводи бир сменада 5 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Бу корхонани ишга туширишдан атрофдаги хўжаликларнинг сут-товар фермалари олис масофаларга сут олиб бориш заруриятидан халос бўлади. Демак, чўлқуварларга етказиб бериладиган сут маҳсулотлари янада сифатли бўлади, уларнинг тури кўпаяди.

● СУРХОНДАРЁДАГИ ҚУРИҚ РАЙОНЛАРДАН бирининг маркази — Шеробод шаҳрига табиий газ келди. Бу ерга ёнилги Келиф—Душанбе янги магистрали орқали келади. Ўтган йили Ўзбекистон жанубида табиий газдан фойдаланувчилар бир ярим баравардан знёд кўпайди. Яқин вақт ичида Сурхондарё областида шу билан бешинчи район маркази—Ангор, шунингдек кўплаб саноат корхоналари газлаштирилади.

● Самарқанддаги 8 март номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси янги йилни зарбдор суръат билан бошлаб юборди. Бу ерда 250 илғор ишчи шахсий беш йиллик планини бажариб, ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаётир. Корхона маҳсулотлари аъло сифати билан ажралиб туради: уларнинг 45 процентига Давлат сифат белгиси берилган. Суратда: конструктор-модельерлар янги моделдаги кийимларни кўздан кечиришмоқда.

Р. Гофуров фотоси. (ЎзТАГ).

АХБОРОТ ОБЛАСТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ФОТОКОНКУРС ЯКУНЛАРИ

«ИНСОН ВА ТАБИАТ»

Табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг область бўлими ўтган йили биринчи марта «Инсон ва табиат» деб номланган фотоконкурс ўтказди. Конкурсга жамиятнинг шаҳар ва район бўлимларидан, фотоҳаваскорлардан, мактаб ўқувчиларидан 120 дан ортиқ турли сюжетдаги материаллар келди. Куни кеча конкурс якунлари кўриб чиқилди. Ҳайъат аъзолари жамиятнинг Паркент, Ўрта Чирчиқ, Бўстонлиқ ва Ғалаба район бўлимларида олиб борилаётган катта ташкилотчилик ишларини алоҳида таъкидладилар.

Паркентлик фотоҳаваскор В. Есиповнинг ўлкамиз бой ҳайвонот дунёсини акс эттирувчи суратлар туркуми юқори баҳоланди. У конкурсда биринчи ўринни эгаллаб, махсус совғи билан мукофотланди. Яна бир паркентлик ҳаваскор О. Савич ва янгийўллик В. Прилевскийнинг туркум суратларига иккинчи даража ли мукофот берилди. Учинчи даражали мукофотга фотомухбир В. Портнов ва Ўрта Чирчиқ районидан Р. Гимазиддиновлар сазовор бўлдилар. Ғалаба ва Ўрта Чирчиқ районларидаги пионерлар уйи фотоҳаваскорлик тўгараги қатнашчиларининг ишлари яхши баҳоланди.

МАКТАБ ТУРИЗМИ

Мамлакатимизда болаларнинг баркамол ва соғлом ўсиши, уларнинг мароқли дам олишлари соҳасида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган йилнинг ёз мавсумида 9 миллион мактаб ўқувчиси турли юришларда иштирок этишди, 720 та туристик лагерда 107 минг ўғил-қиз дам олди. Доимий ва мавсумий туристик базаларга 716 минг ўқувчи ташриф буюришди.

В. И. Ленин номидаги республика пионер ва ўқувчилари саройида бўлиб ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари экспедиция отрядлари раҳбарларининг семинар-кенгаши бу соҳадаги ишларни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди. СССР Маориф министрлиги марказий болалар экскурсион-туристик станцияси директори В. Шлеков ўз нутқида «СССР — менинг Ватаним» маршрути Бутуниттифоқ туристик-ўлкашунослик экспедицияси оммавий мактаб туризмининг етакчи йўналиши бўлиб қолганлигини алоҳида таъкидлади. Семинар-кенгашда Ўзбекистон ССР маориф министрининг ўринбосари И. С. Мўминов доклад қилди.

Б. ЭГАМҚУЛОВ.

АЪЗАМОВЛАР СУЛОЛАСИ

III. ГЕОРГИЙ

Тошкентдаги Карл Маркс кўчасининг бошига туташ ажойиб даргоҳ бўларди: В. И. Ленин номидаги республика пионерлар саройи, 1960 йил ёз кунларининг бирида ана шу муқаддас даргоҳда кўзлари катта-катта, икки юзи оппоққина болакай пайдо бўлди. 6 ёшлар чамасию, лекин жиддий ва қатъий кўринарди. Фақат қандайдир зерикиш аломатларини акс эттириб турган боқишлари соатлаб футбол қолтогини тепиш ёки стол тенниси ракеткасини ўйнатишга қодир шўх бола эканлигидан дарак берарди.

Бу ўша, Аъзамовлар ҳовлисидаги «уй — шахмат клуби»да этюдларни ечиб ва у билан «ҳазил аралаш» ўйнаган катталарни бирин-кетин бамайлихотир ютиб юрган Жорик эди.

Боғнинг тўрроғида одамлар кўринарди. Нарироқда бир тўп бола шахмат суришяпти. Буни кўрди-ю, Жорикнинг тундлигидан асар ҳам қолмади. Акаси Слава ҳам шу ерда эди. Тожихон ака бундан чорак аср муқаддам ҳудди шу ерда дарс бера бошлаган устози Азмиддин Хўжаевнинг ишини давом эттираётган Георгий Исаевич Шаҳзода билан кўришар экан, ваъдасини бажарганини айтди. Нарироқда бош котириб ўтирган акасининг пинжига бориб олган Георгийни кўрсатди.

Бугун тренер битта эмас, ёнида энди анча катта бўлиб қолган дастлабки шогирдлари ҳам унга кўмаклашардилар. Тренерлар янги меҳмонни композицияда синаб кўришни маъқул топишди. Унга шахмат тахтаси бериб, алоҳида столга ўтказишди. Тошкентлик машҳур шахматчи, шахмат композицияси бўйича СССР спорт мастери Исаак Бирбрагер тахтага доналарни ўйнинбоп қилиб дастлабки жойларга эмас, балки керакли хоналарга териб чиқди. Оқу-қора жами 17 дона: шохлар, руҳлар, отлар, филлар ва пиёдалар ажиб саф тортдилар.

— Оқлар бошлаб, уч юришда қора шохни мот қилсин,— деди Бирбрагер аллақачонок шайланиб турган Георгийга.

Энди Жорикнинг бутун ҳаёли жанг таассуротлари билан бўлиб, атрофдаги воқеаларни асло сезмас эди. Шу орада у фотомухбирнинг ёнига келгани, суратини олиб кетганини ҳам пайқамай қолди. Орадан 5—6 минут ўтгач болакай хурсанд ўрнидан турди. У доналарга қўлини текказгани ҳам йўқ эди. Тренерлар тўпланишди-да Георгийга термулишди. Болакай юриш вариантларини тўғри танлаб, саволларга ўрин қолдирмади. Узи ҳам буни тахтада биринчи марта кўраётган, ечиш йўлларини фикран, яъни доналарни турган жойидан жилдирмай топган эди-да. Устозлар унга қараб «отангга раҳмат» дейишди.

Ўша сурат (газетамизда эълон қилинмоқда) республика газета-журналларида босилиб чиқди. Орадан кўп ўтмай у «Етти йиллик амалда» деб номланган фотокўргазмада намойиш этилиб, махсус мукофотга сазовор бўлди. Сал ўтмай бу сурат Москвада чиқадиган «Советское фото» журналининг 1962 йил 11-сонидан бир бетни эгаллаб, бутун дунёга тарқалди.

Шу воқеадан икки йил ўтгач, Жорик акалари билан аввал уйда, кейин уларга қўшилиб турнирларда дурустгина иштирок эта бошлади.

Тожихон ака айтиб берганҳикояларидан яна бири бундай: 1965 йил ёзида Аъзамовлар Қора донгиз бўйида дам олишарди. Жорик отаси ва акалари билан ҳар куни бир неча партия ўйнар, нотаниш киши индамай унинг ўйинларини кузатиб турарди. Кунлардан бирида у Тожихон акага мурожаат қилиб, Жорик билан бир-икки бор ўйнаш нияти борлигини айтиб қолди. Ота-бола бунга рози бўлишди. Баҳс бир-иккита ўйин билан тугамади, бир неча кунга давом этди. Ниҳоят хайрлашиш пайти ҳам келди.

— Ҳисоб қалай бўлдийкин? — 50,5:49,5, — деди Жорик ва ҳиёл тўхтаб қўшиб қўйди. — Менинг фойдамга!

Нотаниш киши қуйбишевлик доцент Исаак Лазаревич Арончик бўлиб, ҳозир жаҳон шахмат тожига талабгорлик қилаётган машҳур гроссмейстер Лев Полугаевскийнинг дастлабки устозларидан бири экан. Жўнаш олдидан у Тожихон акага: «Жорик жуда қобилиятли бола. Фақат тўғри ва авайлаб ўстириш керак» деди-да, ёш рақибига эсдалик сифатида «Шахмат комбинациялари» деган китобни совға қилди. Унга «Бўлажак гроссмейстерга» деб ёзиб қўйилганди. Георгий бундан икки йил аввал Тошкентда меҳмон бўлган машҳур гроссмейстер Пауль Кересдан ҳам ана шундай дастхат олган эди.

Ўша йилнинг кузидаёқ 11 ёшли шахматчини биринчи марта Олмалик шаҳар катталар чемпионатига қўйишди. Георгий биринчи разрядли 16 кап-катта шахматчини ортда колдириб чемпион бўлди.

Ўзига ҳос бу «каромат» 15 йилдан кейин бўлса-да, рўёбга чиқаётганлигидан хурсанман.

Фарзандларига шахмат ўйнашни мажбуран ўргатмай, балки бу борадаги истеъдодларига қараб иш тутган врач ота-оналари—Тожихон Аъзамхонович билан Полина Степановалар уларнинг касб танлашида ҳам «эўравонлик» позициясида туриб олмадилар: бири инженер, иккинчиси тренер ва учинчиси — Георгий филолог бўлишга азму-қарор қилди: Тошкент Давлат университетига кирди.

1972 йилнинг 2 декабрь куни Ўзбекистон шахматчилари учун байрам бўлган эди. Ушанда Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишлаб бошланган турнирга жаҳон миқёсида донг таратган ленинградлик гроссмейстер М. Тайманов, омскли қалқаро мастер (шундан сал ўтгач халқаро гроссмейстер даражасига кўтарилган) В. Цешковский, ўн нафар СССР спорт мастерлари ва тўрт истиқболли мастерликка номзод келган эдилар. Ўзбекистон шахмат мактабининг асосчиларидан бири, «Тошкент Чигорини», бу аклидрок ўйиннинг ажойиб тарғиботчиси, кучли амалиётчи— Азмиддин Хўжаев хотирасини ҳурматлаш ғояси олижаноб ташаббус бўлган эди.

Биринчи мемориалнинг энг ёш қатнашчиси 18 ёшли мастерликка номзод Георгий Аъзамов эди. Турнир ёпилиши ҳамда унинг ғолиби М. Тайманов шундай деди:

— Георгий Аъзамовнинг спорт ҳамда ижодий ютуқлари алоҳида мақтовга сазовор бўлди. Ҳал қилувчи олишувларда унинг ажойиб сифатлари: мақсад сари интилиши, чидам ва жанговарлиги намоён бўлди. Аъзамов 7 учрашувда устун келди. Шулардан олтитаси мастерларга қарши ўйинларда қўлга киритилди. Ғалабалар сони бўйича у турнир ғолиби билан тенглашди. Георгий Аъзамов олдинига 10 та ўйиндан 4 очко олган бўлса, кейинги бештасидан 4,5 очкони қўлга киритди. Турнирни дебютантликдан бошлаб уни тобланган жангчи қиёфасида тугатди. Хулоса равшан: бундай кучли составга эга турнирдаги ўйин тажрибаси Аъзамовга қўл келди.

Бир ярим ойча муқаддам Югославияда ўтган халқаро турнир ўтказилиб, СССРнинг ягона вакили — тошкентлик мастер биринчи совғин эгаси бўлди. У бешта халқаро гроссмейстер ва кўплаб халқаро мастерлардан анча ўзиб кетди, битта ҳам ўйинни бой бермади. Ўтган йилги халқаро гроссмейстерлик унвони учун белгиланган нормани ҳам бажарди. Ноябрь ойининг ўрталарида Швейцарияда бўлиб ўтган Халқаро шахмат федерациясининг навбатдаги конгресси Г. Аъзамовга халқаро мастер унвони берди.

У энди СССР ҳамда халқаро гроссмейстерлиги учун биттадан, жами иккита балл олди. СССР Спорт комитети бу муваффақиятларни ҳисобга олиб, яқин орада вакилимизга гроссмейстер унвонини берса ҳам ажаб эмас.

М. МУҲИДДИНОВ,
СССР спорт мастери, тарих фанлари кандидати.

Суратда: Г. Аъзамов (ўнг да) халқаро гроссмейстер А. Белявский билан мусобақалашмоқда.

[Боши газетамизнинг 1982 йил 10 ва 28 декабрь сонларида].

ҲАР ТЎҒРИДА

ШИМОЛИ-ҒАРБИЙ Африкада ўсадиган акация дарахтининг илдизи энг узундир. Унинг илдизи 68 метргача чуқурга кириб кетади.

●

ГФРНИНГ Гундельсгейм шаҳрида бир туп атиргул бор. Уни шаҳар боғбонлари ва гул ишқибозлари меҳр билан парваришлаб келишади. Гап шундаки, бу атиргул минг ёшга кирган бўлишига қарамай, ҳозир ҳам янги ўтказилгандек чаман бўлиб очиладиган.

●

ЛОНДОНДА негр ва оқ танли аёл оиласида ғалати эгизаклар туғилди. Эгизаклар икки хил рангда. Келли худди онасининг ўзи, Карли эса отасига айнан ўхшайди.

Инсоният тарихида бундай воқеа қайд этилмаган. Бир гуруҳ олимларнинг фикрича, эгизак гўдакларнинг ранги астасекин бир хил тусга кириши керак эди. Ваҳоланки, эгизаклар мана уч ёшга кирган бўлсалар ҳам, рангларини ўзгартирганлари йўқ.

●

МЕДИЦИНАДА бундай воқеа ҳеч қачон рўй бермаган. Эрон Озарбайжонининг Оҳар округидаги Варзоҳ қишлоғида яшовчи 85 яшар деҳқон Мамади Алининг хотини 69 ёшида эгизак туғди. Эгизакларнинг иккаласи ҳам ўғил болалар.

●

ЖАҲОНДАГИ энг баланд бино Нью-Йоркдаги 102 қаватли Эмпор стейт билдинг биносидир. У 1931 йилда қурилган. Баландлиги 380 метр (агар телевизион минораси қўшиб ҳисобланса 449 метрга етади). Бинода 5600 километр телефон ва электр симлари, 96 километр водопровод трубаси, 1500 та дераза, 75 та лифт бор. 25 минг хизматчи ишлайди. Шунингдек бу ерда битта почта, 16 та магазин, бир нечта аптека ва кафе жойлашган.

●

ДУНЁДАГИ энг узун ер ости йўли қурилиши ҳозир Японияда ниҳоясига етай деб қолди. Хоккайдо ва Хонсю оролларини боғловчи мазкур 60 километрли тоннель ишга тушгач, Токиодан Саппорогача бўлган масофани поездлар 20 соатда эмас, балки 6 соатда босиб ўтишади. Ер ости йўли қурилиши 15 йил давом этади.

●

МАСТ ҲОЛДА автомобиль ҳайдаганлик учун энг қаттиқ жазо Норвегияда жорий этилган. Қонида 0,05 процент алкогол бўлган ҳайдовчи уч ҳафта муддатга қамоққа олинади. ва уларга оғир жисмоний ишлар қилдирилади. Ҳеч қандай истисно ёки енгилроқ жазо беришга йўл қўйилмайди. Кейинги уч йил мобайнида қамоққа тушган 20 минг киши орасида бир қанча ҳукумат аъзолари ва қирол оиласига мансуб бир киши ҳам бор.

СУВЧИЛАР ВАХТАСИ

● Маматқосим Ўрунов билан Абдусалом Алимов Комсомол районидаги «Ленинград» совхозида сувчилар мусобақасининг пешқадамлари бўлиб қолдилар. Тупроқнинг шўрини ювишда эришган юксак кўрсаткичлари учун уларга кўчма вимпеллар ва пул мукофотлари берилди.

Хўжалик меҳнаткашлари тупроқнинг шўрини ювиш ишларини юксак суръатлар билан бажармоқдалар. Бу ерда уч минг гектардан кўпроқ майдоннинг шўрини ювиш керак. Ишни жадаллаштириш мақсадида сувчиларнинг уч сменада ишлаши ташкил этилган. Совхозда шўр ювиш ишларида жами 154 киши банд бўлиб, уларнинг ҳаммаси юксак меҳнат унумдорлигига эришмоқда.

ҚИЗИЛҚУМЛИК ОҚИНЛАР

Томди райони чорвадорлари орасида социалистик мусобақа пешқадами Карл Маркс номли колхоз чўпони Устелбой Утепов оқинларнинг ижодий беллашувида биринчиликни олди. Мусобақа шу йил бошида район маданият саройида бўлиб ўтди. Оқининг чорвадор фахрли меҳнати тўғрисидаги, Қизилқумнинг қаттиқ иқлими ва ажойиб табиати тўғрисидаги шеърлари ва қўшиқлари конкурсда энг яхши деб топилди. Конкурсда қишлоқ меҳнаткашларидан ўнлаб шоир ва қўшиқчилар иштироқ этдилар.

(ЎзТАГ).

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 Бадиий фильм. 11.15 — «Киносаёҳатчилар клуби». 12.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Концерт. 16.25 — «Объектив». 16.55 — «Горнчилар, қардасиз». 17.40 — Фильм-концерт. 18.15 — Телевизион ҳужжатли фильм. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Қувноқ нотачалар». 19.45 — «Инсон ва қонун». 20.15 — Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Фан ва турмуш». 22.35 — Дунё воқеалари. 22.50 — Фильм-концерт премьераси. 23.25 — «Спорт ҳафталиги».

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 — Музика. 7-синф. 10.05 ва 15.00 — Немис тили. 11.05 — Илмий-оммабоп фильмлар. 11.35 ва 12.40 — Умумий биология. 9-синф. 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Бригадир Гисевнинг учинчи тайми» 19.20 — Илмий-оммабоп фильм. 19.30 — В. А. Гранаткин хотираси учун футбол бўйича халқаро ўсмирлар турнири. Танаффус пайтида. 20.10 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.05 — Бутунроссия конкурсининг дипломанти А. Акулинина чалади. 21.30 — Время. 22.05 — Бадиий фильм.

ЎзТВ-I. 11.30 — Қўғирчоқ фильм. 11.50 — «Бизни гўзал арчамиз». 12.30 — Рус адабиёти. 18.05 — Мультфильм. 18.20 — «Пионерлар мамлакатида». 18.50 — Ҳамиша ижодий изланишда. 19.10 — Ноз-неъмат бунёдкори. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Қўшиқнавис шоирлар». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Қўшиқнавис шоирлар» (давоми). 21.30 — Время. 22.05 — «Бугун оламда нима гап». 22.20 — Бадиий фильм. 1-серия. 23.30 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 17.50 — Математика. 18.45 — Телефильм. 18.55 —Химия. 19.50 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Француз тили. 20.50 — Телефильм. 21.30 —МТ-II.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/I да Келинлар қўзғолони, 13/I да Ҳар тўғрисда бир айб.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/I да Хизматингизга тайёрмиз, 13/I да Гулсара.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Сивка-Бурка, қутқар!» воқеий эртак Янги йил томошалари (10, 13, 16 ва 19.30 да).

ҚИЗИҚАРЛИ КЕЧА

● КИРОВ районидаги Тельман номли маҳалла клуби одатдагидан гавжум бўлди. Бу ерга шоир Сайёр ва Нузэт Умеровлар меҳмон бўлиб келдилар.

ШОИРЛАР ўқиганларга ўзларининг янги йилдаги ижодий режалари ҳақида сўзлаб беришди ҳамда янги асарларидан намуналар ўқишди.

С. СУЛТОНОВ.

ОММАБОП СЕМИНАР

Собир Раҳимов район ижроия комитетида маҳалла. ЖЭК ҳамда шаҳар нотариал конторасиси, суд, милиция ходимлари иштирокида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Шаҳар нотариал конторасининг бошлиғи М. Холматованинг «Хусусий турар-жойларни сотиш ва сотиб олиш масалалари», район судьяси Х. Шукурованинг «Янги вужудга келган оилани мустаҳкамлашда маҳалла активларининг роли», район милиция бўлими бошлиғи ўринбосари И. Раҳимовнинг «Гражданларни прописка қилиш қоидалари» тўғрисидаги лекциялари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Семинар-кенгаш охирида ҳуқуқ органлари ходимлари йиғилиш қатнашчиларининг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

С. РИХСИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ИШЧИ-МУХБИРЛАР УНИВЕРСИТЕТИДА

ПУБЛИЦИСТИКА ҲАҚИДА СУҲБАТ

ПУБЛИЦИСТИКА газетанинг ҳаётга энг актив аралашувчи жанрларидан бўлиб, у ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш, камчилик ва нуқсонларни фош этиш, кишиларни маънавий-аҳлоқий тарбиялаш борасида кенг имкониятларга эга.

«Тошкент ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулотида ана шулар ҳақида гапирилди.

ТЕХНИКУМДА МУЗЕЙ

● ЎРТА Осиё темир йўлига қарашли техникум республикамиздаги йирик кадрлар ўчоғларидан бири. У бундан ярим аср муқаддам Тошкентда ташкил этилган эди.

Шу давр ичида техникум ҳар томонлама ўсди, унинг ўқув-моддий базаси янада мустаҳкамланди. Ўрта Осиё республикаларига малакали ёш мутахассислар тайёрлаб бераётган бу даргоҳда ҳозир бешта кундузги ва сиртқи бўлимлар мавжуд.

Кадрлар ўчоғида ёшлар билан ўнга яқин мутахассислик бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Унинг мавжуд учта корпусида бўлажак ёш темирйўлчиларнинг пухта билим ва амалий кўникма ҳосил қилишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Йирик тўнғич билим юртининг ярим асрлик юбилейи муносабати билан бу ерда техникум тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи музей очилди.

С. ОДИЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41. Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: катлар ва оммавий ишлар; фельетонлар—334048, 325354; партия турмуши—325778; пропаганда—325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 01728. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. Б. 1520. 15